Бугунги кунда миллий итисодиётнинг ўсиши дунё бозирга боғлиқ бўлмоқда. Туризм, давлатларни ўзаро яқинлаштирибгина қолмай, балки халқаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Шунинг учун, халқаро туризм индустриясини тўғри ташкил этиш ва бошқариш зарурати сезилмоқда.

Туризм индустриясида меҳмонхона асосий ўрин тутиб валюта оқимини тامينлаб келаётган тармоқ бўлиб қолмоқда. Ҳар бир турист сафар давомида меҳмонхона хизматидан фойдаланмасдан иложи йўқ. Шунинг учун меҳмонхона индустриясини ривожлантириш замон талабидир.

Назорат учун саволлар

1. Туризм индустрияси ривожланишида =андай омиллар етакчилик =илади.
2. Туризм мамлакат и=тисодиётида =андай ашамият касб этади.
3. Ўзбекистон туризми индустриясида етакчи омилларни санаб беринг.
4. Хал=аро меҳмонхоналар менежменти деганда нимани тушунаси.
5. Туризм индустриясини бош=аришда етакчи омиллар нималардан иборат бўлиши керак.
6. Туризм индустриясида менежмент тушунчасини =андай тушунаси.
7. Туризм индустрияси ривожланишида қандай омиллар етакчи ҳисобланади.
8. Қайси давлатлар маркетинг харажатларининг асосий =исмини рекламага ажратади.

Адабиётлар

1. Александров А.Ю. Международный туризм. Учебное пособие для ВУЗов. - М.: Аспект Пресс. 2004. -470 с.
- 2.Алиева М.Т., Салимова Б.Х. Меҳмонхона менежменти. Дарслик. –Т.: «Молия» 2005. -275 б.
- 3.Алиева М.Т., Салимова Б.Х. Меҳмонхона менежменти. Дарслик. –Т.: «Молия» 2005. -275 б.
4. Бутуров И.Н. Маркетинг и менеджмент иностранного туризма. -М.: Финансы и статистика, 2003. -107 с.

III-боб. ЕВРОПА МИНТАҚАСИ ТУРИЗМИ

- 3.1. Европа туризми ривожланиш динамикаси ва шолати
- 3.2. Европа туризми макрои=тисодий кырсаткичлари ташлили
- 3.3. Европанинг ривожланган мамлакатлари туризми
- 3.4. Жаҳон туризмида Европанинг ырни
- 3.5. Европада хал=аро туризм ривожланиш йыналишлари

3.1. Европа туризми ривожланиш динамикаси ва шолати

Ер юзи быйича хал=аро туризм йыналишларидаги саёхатларнинг 78 фоизини завқ - шавқ учун =илинган саёхатлар ташкил қилган бўлса, Европада бу каби саёхатларнинг улуши 82 фоиз былган. Фуқароларнинг кўпчилик қисмида завқ - шавқ учун =илинган саёхатлар йилдан-йилга ортиб бориши кузатилмоқда. Бугунги кунда дунёда 700 миллионга яқин сайёх турли ҳилдаги саёхатларга қатнашиб турхизматлардан фойдаланиб туризм и=тисодиётига ўз щиссаларини қўшмоқдалар. Бу сайёхларнинг 65 фоизини Европа мамлакатлари ызига жалб этиб келмоқда.

Хал=аро туризм ҳозирги кунда Европа мамлакатларининг асосий даромад манбаларидан бирига айланиб улгурди. Туризм Европа аҳолисининг турмуш тарзини яхшилашга катта таъсир кырсатмоқда.

Европа мамлакатлари дунёнинг сиёсий-и=тисодий марказларидан бири былиб, хал=аро ташкилотларнинг кўпгина семинар, симпозиум, конференцияларни ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб келмоқда. Бу каби тадбирлар уларнинг шашарларини дунё миқёсида танилиши учун шароит яратиб, бу туризмнинг ҳозирги даврдаги ривожланишига хос былган хусусиятларидан бири ҳисобланмоқда. Бундан ташқари ҳозирда энг оммавийлашган футбол, хоккей, теннис, баскетбол ва спортнинг бош=а турлари быйича мусобақалар,

жашон чемпионатлари инсонларни якка ва жамоа шолда хал=аро саёхатларга чи=ишларига сабаб былмо=да. Айниқса, кейинги 20-25 йил ичида турли сайёхлик фирмалари, агентликлари, отель бош=армалари ва туризм уюшмалари томонидан спорт мусобақалари, саёхат турлари ташкил =илмо=да.

Туризм ривожланиши учун асосий турткилардан бири бизнес ҳисобланади. Европанинг баъзи мамлакатлари Германия, Англия, Италия, Франция арзон нархдаги сифатли кийим-кечак моллари маркази қилиб ўзларини дунёга таништирамоқдалар ва “багаж” деб номланган туризм ривожланишига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Йўл ҳаражатларининг баҳоси жуда қиммат бўлишига қарамасдан инсонлар ўта чидамли ва сифатли молларга маҳлиё бўлиб, бу каби саёхатларга қатнашиб келмоқдалар. Арзон ва сифатли товарларга бўлган талабларни ўрганган туроператорлар “ўз нархида сотиладиган фабрика жойларига” ёки “чегирмали” сотиш жойларига жуда кўп саёхатлар уюштирамоқда.

3.2. Европа туризми макрои=тисодий кырсаткичлари тащили

Туризм Европа давлатлари и=тисодиётида энг асосий тармо=лардан бири ҳисобланиб, айрим давлатларда миллий даромаднинг 60-70 фоизини беради. Туризм рентабеллиги жищатидан дунёда иккинчи ыринда туради, унинг рентабеллик даражаси 500 дан 1000 фоизгача етиши и=тисодчилар томонидан асослаб берилган. Жаҳон тажрибаси шуни кырсатадики, туризмни ривожлантириш и=тисодий шарт-шароитни яхшилаш учун керакли имкониятни туғдириб беради. Иккинчи жашон урушидан кейинги йилларда Ғарбий Европа мамлакатларида хал=аро туризмни ривожлантириш ма=садида, унга алоҳида эътибор бериб, туристик ресурслардан ма=садли фойдаланиш асосий йыналиш ҳисобланган. Буни ўз ва=тида тушунган бизнесменлар, тадбиркорлар оз пул ишлатиб кўпроқ фойда олишни айнан шу хал=аро туризм сощасида кўрганлар.

Шунинг учун ҳозирги кунда Европа мамлакатлари даромадларида халқаро туризм салмоқли шиссани ташкил қилади.

Дунёнинг турли ылкаларидан ташриф буюраётган сайёҳларни савдо орқали Европа давлатлари валюта тушумига қўшган шиссаси салмоқли бўлиб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, Испанияда бир йиллик валюта тушумининг 45 фоизи сайёҳлик савдоси хизматидан келиб тушса, бу рақам Францияда 48%ни ташкил этади. Шунини алоҳида қайд қилиш керакки, чет эл туристларининг яшаш, айланиш ва саёҳатга кетган харажатларини 100% деб олсак, унинг 30%и яшашга, 40%и овқатланишга, 8-10%и транспортга, 10-12% бошқа қўшимча хизматларга сарф қилиниши аниқланган.

2002 йилда Испанияга 54 млн. дан ортиқ, Францияга 77 млн. дан ортиқ туристлар келган. Улар яшаш учун киши бошига ўртача бир кунга 185 доллар сарфлашган. Шу йилдаги тадқиқотлар натижаси кырсатишича, туризмдан келган валюта даромадларининг ўсиши юқори бўлиб, Швейцарияда 6,2%, Италияда 5,6%, Францияда 5,9%га етган. Туризмнинг мамлакат ёки шаҳар ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги роли ва аҳамиятини кичик шаҳарлар мисолида кўрса шам бўлади. Франциянинг Лур деган кичкина шаҳарчасида 20 мингдан ортиқ аҳоли бўлиб, кейинги 20 йил ичида бу шаҳарча иқтисодий ривожланган шудудга айланди. Лурга йилига 3,5 млн. сайёҳлар ташриф буюради ва ҳар қил хизмат турларидан фойдаланади. Бу шаҳарчада фақат 2 та меҳмонхона бўлиб уларда ва бошқа сервис хизматларида 3 мингга яқин аҳоли банд ёки жами аҳолининг 15%га яқини туризм соҳаси билан боғлиқ. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, айнан шу соҳа орқали долзарб муаммолардан бири - ишсизлик муаммосини ҳал қилиш мумкин бўлади.

3.2.1-жадвал

Европанинг етакчи давлатларининг туризмдан олаётган даромадлари (транспортдан ташқари млрд. доллар ҳисобида)

Йиллар			Давлатлар ырни	2002 йилги тушум	2001-2002 й. Ўсиш %да.	2002 й. умумий улушдан%
1990	1995	2002	1	2	3	4
2	1	3	Италия	26,9	4.3	11,2
1	2	2	Франция	32,3	7.8	13,4
3	3	1	Испания	33.6	2.2	14,0
4	4	5	Б.Британия	17.5	8.0	7.3
5	5	4	Германия	16,840	2,0	7,4
6	6	6	Австрия	11.2	11.2	4.7
27	8	9	Польша	4.5	-6.5	1.9
12	11	7	Туркия	9,0	22,0	3.7
7	7	8	Швейцария	7,6	4.4	3,2
14	13	10	Россия	4.1	17.6	1.7
Жами Европада				240.5	6.5	100,0

Манба: Основные показатели развития туризма в 2003 году. ВТО

Мамлакатдаги мавжуд ресурсларнинг туризм ривожланишига таъсирини Австрия мисолида яққол кўришимиз мумкин. Бу мамлакат туризм соҳаси энг ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Унинг ялпи ички маҳсулотини яратишда туризмнинг салмоғи 70%ни ташкил этади. Бу қырсаткич быйича Австрия нафақат Европа мамлакатларини балки, ер юзидаги бош=а мамлакатларни щам анча орқада қолдириб кетди. Францияда бу соҳанинг щиссаси 2,2%ни, Италияда 5,6%ни, Грецияда 4,9%ни, Швейцарияда 4,4%ни, Испанияда 7,5%ни ташкил этади.

Европанинг ривожланган давлатларида туризмдан олинаётган даромадларини қыриб чиққанымизда =уйидаги натижага келамиз. Ривожланган давлатларнинг туризм соҳасидан оладиган даромадларини (3-жадвал) ташлил қилганимизда, шу нарса намоён быладики, бу давлатлар орасида хал=аро туризм бозорида етакчи деб Италия, Франция, Испания, Буюк Британия, Германияни олишимиз мумкин.

Италия 1990 йилда туризмдан оладиган даромади бййича Европада иккинчи ыринда былган бўлса, 5 йилдан сўнг, яъни 1995 йилга келиб эришилган натижалар бййича биринчи ўринни банд эта олди. Бундай юқори натижанинг асосий сабаби сервис хизматини юқори даражада ташкил эта олгани былиб, ҳозирги кунда сервис хизматининг дунё бййича рўйхатга олинган 1200 хил турининг 400 дан ортиғи ызлаштирилганлигини мисол қилиб олишимиз мумкин. Италия туризмдан 1998 йил 30,427 млн. доллар даромад олишга эришган былиб, йиллик ўсиш 1997 йилга нисбатан 2,4%ни ташкил этган. Европада етакчилардан бири ҳисобланган Испания туризмни кўрадиган бўлсак, йиллик даромад 1998 йилда 29,585 млн доллар ташкил этган былиб, 1997 йилга нисбатан 11,0%га ўсганлиги, бу давлатнинг кейинги беш йиллик имкониятларини ташкил қилганимизда, ўсиш шу даражада давом этса, Испания нафақат Европада, балки дунёда етакчи былиб, фақатгина Америка Қўшма Штатларидан кейинги ўринни банд этиши мумкин. Испаниянинг бундай кырсаткичга эришишнинг асосий сабаби ички имкониятлардан самарали фойдаланаётганлигидир.

Майдони ва аҳолиси нисбатан кам былган давлатлар ичида Австрияни имкониятларини кыриб чиққанимизда, туризм соҳасининг ривожланиши энг юқори даражасига эришилганлини ва бу ютуқларнинг асосини бош=арув механизмнинг яхши йылга қўйилганлиги билан бош=а Европа давлатларидан фар= илади. Австрия ялпи миллий даромадининг 40%ини туризмдан олади. Лекин кейинги йилларда ривожланаётган давлатлар рақобати туфайли Австрия туризмида 1997 йилга нисбатан 1998 йилда 1,8%га даромад камайиши кузатилди.

Собиқ Совет Иттифоқи парчаланиб кетгандан кейин Россияда вужудга келган бир қанча сиёсий ва и=тисодий муаммолар юзага келишига қарамасдан, давлат томонидан туризмни ривожлантириш учун кўрилган чоралар ўз самарасини бериб, ҳозирги кунда Европа давлатлари ичида даромади бййича олдинги ўнликка чиқиб олди. Ўртача йиллик ўсиш 3,0%ни, даромад 7,107 млн.

долларни ташкил қилгани Россияда бу сощанинг келажаги порлоқлигидан далолат беради.

Юқоридаги кыриб ытилган омиллардан хулоса қилиб олганда Европанинг етакчи давлатларида туризмдан олинаётган даромадларнинг йиллик ўсиши 4,0%ни ташкил этади.

3.3. Европанинг ривожланган мамлакатлари туризми

1998 йилда Европадаги ривожланган мамлакатларда хал=аро туризмда иштирок этганлар сони 372,5 млн. кишидан орти=ни ташкил этди. Бу ер юзидаги туристларнинг 60%идан кўпроғига хизмат кырсатилди деганидир. Бу шундан далолат берадики, тараққий топган мамлакатлар и=тисодиёти туризмдан хал=аро миқёсида кенг фойдаланишдан катта манфаат кўрмоқда. Албатта бу тармо=ни ривожлантириш Европада хал=аро муносабатлар, эркин бозор тамойилларидан кенг қўламда фойдаланиш ҳисобига щам содир былмо=да.

3.3.1-жадвал

Европа етакчи давлатларининг туристларни қабул =илиши ва хизмат кырсатиш (млн. киши)

Йиллар			Давлатлар ырни	2002 йилда қабул =илинган туристлар	2002-2001 йилларда ўсиш,%
1990	1995	2002	1	2	3
1	1	1	Франция	77,0	2.4
2	2	2	Испания	52.7	3.3
3	3	3	Италия	39,8	0,6
6	4	4	Буюк Британия	24,2	5.9
18	6	8	Польша	14,0	-6.8

5	7	5	Австрия	18,6	2.4
7	9	6	Германия	17,9	0.6
11	8	7	Чехия	16,3	3,0
12	13	9	Россия	7,8	7.3
Жами: Европада				400,0	3,0

Манба: Основные показатели развития туризма в 2003 году. ВТО

Туристларни хал=аро йыналишлар быйлаб саёхатга кўплаб жалб =илиш ма=садида Европанинг ривожланган мамлакатларида кейинги 50 йил давомида мисли кырилмаган ишлар амалга оширилди. Бу тадбирларни амалга оширишда =улай шароитнинг пайдо былиши асосий ўрин тутди. Ривожланган мамлакатларда туризм маркетинги юқори даражада ташкил этилиши, унинг кўлами, тащилий ва қайта ишлаш жараёнларида фойдаланадиган услублар йиғиндиси, бевосита туристлар сонининг ортишига олиб келмоқда. Шу сабабли туризми ривожланган мамлакатлар маркетинг тадбирларига йилига катта миқдорда мабла\ сарфлашади. Мисол учун, Испанияда 78 млн., Италияда 68 млн., Францияда 72 млн. доллар миқдоридаги мабла\ хал=аро бозорни ырганишга ва рақобатда ўз махсулотларини ҳимоялашга ишлатилади.

Европада туризм ызининг ривожланиши давомида туристларнинг талабини қондириш учун амалга оширган ишларидан энг эътиборга молик томони меҳмонхона, отеллар ва мотелларнинг қайта қурилиши ва ҳар =андай туристларни қабул =илишга мослаштирилганлиги ҳа=ида тўхталиб ўтилмаса бўлмайди. Ҳозир жойлар сони быйича Европа мамлакатлари бош=а минтақалардан устунлик қилмоқда. Мавжуд меҳмонхоналарнинг деярли 80%и 3*-5* юлдузли ҳисобланиб, хизмат кырсатиши жищатидан хал=аро талабларга жавоб беради.

Бизга маълумки, давлат хазинасига чет эл валютаси тушумини таъминловчи энг =улай тармо= шам меҳмонхона ва отеллар ҳисобланади. Мамлакатга ташриф буюрган турист биринчи навбатда ундаги хизматларни сотиб олади. Ҳозирги кунда сайёҳлар меҳмонхоналардаги бир кунлик хизмат ҳақи 50 дан 200 долларгача

былишини талаб =илишмоқдаки, айнан шу нархдаги сифатли хизматни Европа туроператорлари таклиф =илиш имкониятига эгадирлар.

Европанинг ривожланган мамлакатлари туризми ривожланишида асосий ашамият касб этадиган нарсалар шам борки, буларни хал=аро ташкилотлар мисолида кўриш ма=садга мувофикдир. Европа Иттифоқининг ташкил былиши билан бирга бир =атор муаммолар, шу жумладан туризм соҳасидаги баъзи бир тусиқлар ўз ечимини топди. Булардан ҳозир бош=а регионларда туризм ривожланишига катта тўсқинлик =илаётган виза ва божхона системаси Европада бартараф этилди. Туристлар Иттифоққа аъзо мамлакатларда визасиз бемалол ҳаракатланиш имкониятига эга былдилар. “Европа Тараққиёт ва Тикланиш Банки” ташкил =илиниши билан и=тисодий ночор былиб қолган корхоналарга катта миқдорда кредитлар ажратиши ва уларнинг оёққа туриб олгандан кейин бемалол улар билан и=тисодий шамкорликда иш олиб бориши имкониятлари туғилди. Бутун жаҳон тарихида катта бурилиш айнан Европанинг ривожланган мамлакатлари иштирокида амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Бунда Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг ўн иккитаси 1999 йил 1 январдан бошлаб ягона былган “евровалюта” зонасига бирлашдилар. Шу пайтдан бошлаб Европадаги ўн иккита давлатда ҳисоб китоблар “евро” орқали амалга оширилиб келинмоқда. Бу валюта бирлиги икки йил давомида ҳисоб китобларда ишлатилиб 2002 йил 1 январ куни кенг кўламда муомлага чиқарилди ва олти ой мобайнида, яъни 1 июлга қадар олдинги эски валютага тўлиқ алмаштирилиб бўлинади. Бундан кўзланган ма=сад А+Ш доллари зонасидан чиқиб кетиш ва доллар билан муносиб рақобатлаша оладиган валютани юзага келтиришдир. Бу тадбирлар амалга оширилиши ўз навбатида туризм соҳасига таъсирини ўтказди. Хал=аро йыналишлар билан ташриф буюрган туристлар бемалол ўн иккита давлатда тусиқларсиз хизматларни сотиб олиш имкониятига эга былади. Ягона валюта зонасида былган давлатлар

туристлар алмашинувида ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Бу билан туризм соҳасида ривожланишнинг янги имкониятлари юзага келади.

3.4. Жаҳон туризмида Европанинг ўрни

Ҳозирги вақтда Оврўпа ҳудудига монархия, республика унитар ва федератив шаклдаги иқтисодий ривожланган 40та суверен давлатлар жойлашган. Гибралтар номли битта колониал ҳудуд ҳам бор. 90-йилларнинг бошида Оврўпада ягона Оврўпа иқтисодий макони бўлиб, социалистик лагер инқирозга учраб, олмония бирлашди.

Оврўпа транспорт системаси Ғарбий оврўпа системасига ыхшашдир, бу ерда ташқи йўли узоқлиги А+Ш ва Россияга нисбатан бир мунча камроқ, аммо транспорт тармоғи таъминоти анчагина яхши йўлга қўйилган. Юк ва йўловчиларни ташишда автомобил транспортлари асосий ролни ўйнайди. Темир йўл тармоғи умуман қисқаряпти. Дарё транспорти йўллари, айниқса Рейн ва Дунай йўлларининг роли каттадир. Қуруқликдаги ва сувдаги транспортларнинг йўллари туташган жойларда чет элдан келтирилган хом ашё билан ишловчи денгиз хўжалиги ва порт саноати комплекслари - йирик транспорт узеллари барпо этилди. Буларга қўйидагилар киради. Роттердам, Лондон, Гамбург, Антверпен ва бошқалар.

Оврўпада кўп километрли темир йўллар ва Алп тоғларида автомобиль тоннеллари қазилган, Англия ва Фарангистон ўртасидаги Ла-Манш бўғозидаги ўтган 50 километрли йирик сув ости тоннели ишламоқда.

Кембридж, Мюнхен, Ницца, Лион атрофларида АҚШ мисолидаги илмий текшириш парки ва технополислар вужудга келди. Ваҳоланки, аввалгидек Оврўпа мамлакатининг юқори технологияси соҳасида АҚШ ва Япониядан орқада қолмоқда.

Фан йылида кетаётган харажатлар Оврўпа мамлакатларида киши бошига 200 доллар бўлса, Японияда 470, АҚШда эса 600 доллар Оврўпада Цюрих, Лондон, Люксембург каби жаҳондаги йирик банк марказлари жойлашган.

Оврўпа мамлакатлари (ОМ) хал=аро туризмнинг асосий регионидир. Биринчи ыринда ҳар йили 50 миллиондан орти= киши ташриф буюрувчи Испания туради. Дам олувчилар учун энг ёқимлиси Ўрта ер денгизи чеккасидаги районлар, Альп тоғлари курортлари, шамда маданий-тарихий ҳайкаллардир.

Оврўпа хўжалиги ҳудудий структураси манба омиллари таъсирида XIX асрдаёқ бунёдга келган. Ҳозирда меҳнат манбалари, ишлаб чиқариш илм даражаси ва экологик омиллар катта роль ўйнади. Шаҳар агломерацияси ва асосий саноат районлари Буюк Британиянинг жануби-шарқий қисмидан Бенилюкс мамлакати орқали чўзилган кўндаланг ўқда, Фарангистон шимолида, Олмонияда Рур районида Италия шимолигача (“иссиқ банан”) жойлашган. Европа майдонини 10%ини эгалловчи бу зона унинг ялпи маҳсулотининг 40% ини беради. Бундан ташқари кейинги йилларда Ўрта ер денгизи қирғоқлардаги Барселонадан Турин ва Грециягача (жанубий йылакча) яна бир қудратли зона вужудга келмоқда.

Шу билан барча жаҳоннинг ҳеч бир жойида Рура ва Саара районлари Олмонияда, Буюк Британияда, Ланкшир, Йоркшир, Жанубий Уэльс; Фарангистонда Эльзас ва Лотарингия; Польшада Верхнесилез; Чехияда Остра ва Карвин каби анъанавий тармо=ларга эга былган шунча сонли эски саноат районлари йы=дир.

Оврўпада асосан аграр қолоқ районлар шам бор. Уларга Италия жануби, Фарангистон Ёрби, Мадриддан Испания Ёрбигача, Португалия, Греция, Ирландия ва Буюк Британия шимоли, Руминия, Болкон мамлакатлари, Польша шимолий шарқ қисми тегишлидир.

Янги очилган ерларга тубида катта нефть ва газ бойлиги былган Шимолий денгиз экваторияси улкан табиий газ бойлиги былган Нидерландия қирғоқлари киради.

Хорижий Оврўпа майдони бййича дунё миқёсидаги энг катта ҳисобланиб, дунё хўжалигидаги роли жуда улкандир.

3.5. Европада хал=аро туризм ривожланиш йыналишлари

Европа мамлакатлар туризм бозори тобора янги турмахсулотлар ва хизматлар билан бойиб бораётган ҳозирги шароитда, янги имкониятларни ани=лаш, улардан оқилона фойдаланишда талаб-таклиф ва уни ырганиш натижаларидан фойдаланиш туризм ривожланишининг асоси былиб қолмоқда. Баъзи мамлакатлар туризм истеъмол бозорида устиворликка эга былиш ма=садида турфирмалар, компаниялар изланишларни яхлит тизим сифатида шакллантириб, жащон бозорида ызининг муносиб ырнига эга былиш, экспорт салоҳиятини оширишга интилмоқда.

Европанинг ривожланган мамлакатлари ички бозори ҳаддан ташқари тўйинганлиги, саноат махсулотларининг тез янгиланиши ва тури (хили) ўзгариб туриши билан кўпгина давлатлардан яққол ажралиб туради. Масалан, мавжуд маълумотларга кўра Германия, Франция ва Италия бозорларига ҳар йили маданий-маиший ва хыжалик махсулотларининг 700 хил янги тури, бош=ача қилиб айтганда ҳар куни тахминан иккитадан янги махсулот келиб тушади. Шу жумладан туризм сощасида янгидан-янги хизмат усулларининг кенгайиши натижасида, инсонларнинг маънавий камолотини янада ривожлантириш учун имконият туғдиради. Туризмдаги хизматлар сони харидорларнинг харид қурбидан анча олдинга ўтиб кетди. Бундай шароитда туризмда хизмат қилувчилар ўз - ўзидан рақобатчилар орасидан ўз махсулотларига бўш жой қидириш, бир иложини қилиб орага суқилиб кириб олиш, “хизмат кырсатиш бўшлигини” топиш ва

рақиблар билан кескин кураш билан жиддий тарзда шу\улланишга мажбур этади. Бундай вазиятда компания, фирмани бош=ариш тузилмалари фаолият кырсатишининг етакчи масаласи былиб, корхонанинг бутун фаолиятини бозорда ва истемол сощасида тинимсиз ўзгариб турган шолатларга энг юкори даражада мослаштириш масаласи ўртага чи=ади. Шунинг учун шам ривожланган мамлакатларнинг туризм бозоридаги энг асосий \ояси ма=садни аниқ белгилаб олишдан иборатдир.

Европадаги ривожланган давлатлар ривожланишнинг янги бос=ичга чи=иш учун шамма тармо=ларда и=тисодий ислохотларни бир маромда амалга оширишга эришди. Шу жумладан, туризм сощасини ислох =илишда давлат томонидан кенг кўламда кичик ва ўрта корхоналарнинг иш фаолиятини яхшилашга катта микдорда кредитларнинг берилиши тезда ўз самарасини кырсатди. Бундай натижаларга эришишда Италия, Испания, Франция ва Германия бош=а давлатларга ўртак қилиб олса быладиган натижаларни қўлга киритди. Кичик ва ўрта корхоналарга бундай имкониятларнинг яратилиши уларнинг иш фаолиятини кескин тарзда ўзгартириб юбориши билан бирга ишсизлик муаммосига бир оз баршам берилишига олиб келди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш яхшиланди, миллий даромаднинг сезиларли даражада ўсишига сабаб былди.

Хулоса

Европа минтақаси туризмини ўрганиб чиққанимизда мамлакатдаги мавжуд ресурсларнинг туризм ривожланишига таъсирини Австрия мисолида яққол кўришимиз мумкин. Бу мамлакат туризм сощаси энг ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Унинг ялпи ички маҳсулотини яратишда туризмнинг салмоғи 70%ни ташкил этади. Бу кырсаткич быйича Австрия нафақат Европа мамлакатларини балки, ер юзидаги бош=а мамлакатларни шам анча орқада қолдириб кетди. Францияда бу сощанинг щиссаси 2,2%ни, Италияда 5,6%ни, Грецияда 4,9%ни, Швейцарияда 4,4%ни, Испанияда 7,5%ни ташкил этади.

Европанинг ривожланган давлатларида туризмдан олинаётган даромадларини кыриб чиққанимизда =уйидаги натижага келамиз. Ривожланган давлатларнинг туризм соҳасидан оладиган даромадларини юқорида берилган 3-жадвал орқали тащил қилганимизда, шу нарса намоён бўладики, бу давлатлар орасида хал=аро туризм бозорида етакчи деб Италия, Франция, Испания, Буюк Британия, Германияни олишимиз мумкин. Европа мамлакатларида рақобат жуда кучайган бўлиб, келажакда асосан Испания етакчилик қилиши олимлар томонидан башорат қилинмоқда.

Назорат учун саволлар.

- 1.Европанинг ривожланган давлатларининг и=тисодий ривожланишида туризмнинг ырни =андай?
- 2.Европа давлатларида виза системаси =андай жорий =илинган?
- 3.Европа Иттифоқининг тузилишидан =андай манфаат кўзда тутилган?
- 4.Европа давлатлари валюта бирлиги «Евро»нинг и=тисодий ривожланишдаги аҳамиятини тушунтиринг?
- 5.Европа мамлакатлари туризмнинг келажакдаги йыналишларида устивор қилиб қайси фактор олинади?
- 6.Испания =андай сабабларга кыра Европада валюта тушуми быйича биринчи ыринга чи=иб олди?
- 7.Польша туризми нима учун ривожланиши ор=ага кетмо=да?
- 8.Россия туризми ривожланишида етакчи омил нима?
- 9.Европа туризми ривожланишининг асосий йыналишлари нималарда кырилади?
10. Европадаги =айси давлат сифат-бащо тамойилига амал =илади?

Адабиётлар

1. Чудновсий А.Д., Жукова М.А., Сенин В.С. Управление индустрий туризма. -М: Финансы и статистика. 2004. -437 с.
2. Чудновсий А.Д., Жукова М.А., Сенин В.С. Управление индустрий туризма. -М:

Финансы и статистика. 2004. -437 с.

3. Lundberg D., Krishnamurthy M. – Tourism Economics. New York: John Wiley Sons Inc. 2003. -210 p

4. Норчаев.А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири. и.ф.н. дисс. –ТДИУ, 2004. -130 б.

5. Основные показатели развития туризма в 2003 г. ВТО. –Мадрид, 2004. 30 стр.

6. www.world-tourism.org – Всемирная туристская организация

7. www.tag-group.com – Консультативная группа по вопросам туризма (TAG)

IV-бoб. ОСИЁ МИНТАҚАСИ ТУРИЗМИ

4.1. Осиё туризми ривожланиш динамикаси ва ҳолати

4.2. Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари туризми

4.3. Марказий Осиё туризми

4.4. Яқин Шарқ мамлакатлари туризми

4.1. Осиё туризми ривожланиш динамикаси ва ҳолати

Осиё шудудида 42 та давлат жойлашган. Иккинчи жаҳон урушига уларнинг кўп қисми мустақил давлат бўлган бўлса, ҳозирда деярли шаммаси суверен давлатдир.

Осиёда 3,4 млрд. киши истиомат этилади. Аҳолининг қайта тикланиши эпицентрининг чўққиси бошқа мамлакатларда шам ўтган бўлиб, табиий ўтишнинг пасайтиришга интилган.

Кўпчилик мамлакатларда у 1000 та яшовчига 20 тадан 30 та кишигача боради. Аҳолининг этник таркиби жуда мураккаб бўлиб, бу ерда 9 та тил гуруҳига мансуб халқлар яшайди. Улар орасида жаҳондаги йирик (хитойликлар, ҳиндистонликлар ва бошқа) камсонлик халқлар бор. Кўп мамлакатлар турли миллатли бўлиб улар аторида турли миллатли бўлиб улар аторида халқаро низо сунмаётган: Афғонистон, Ҳиндистон, Шри-Ланка давлатлари мавжуд. Осиё барча жаҳон динлари ватанидир. Аҳолининг жойлашуви жуда бетартибдир.

Шунинг учун Осиё туризми ривожланиши ҳам бирдек эмас. Территориянинг катта бўлиши туристлар ҳаракатининг чекланмаганлиги туризм учун қулайликлар яратади.

Осиё =итъасига туристлар ташрифи ва келажакдаги исти=боллари

Йиллар	Туристлар сони (млн. киши. ҳис)	Туристлар сонининг ўртача йиллик ысиши (%да)	Даромад (млрд. дол. ҳис)	Даромаднинг ыртача йиллик ысиши (%да)
2002	131.2	5.1	94.6	7.7
2010	187.9	8.4	143.2	6.4

Манба: Основные показатели развития туризма в 2003 году. ВТО.

Жадвалдан кыриниб турибдики, Осиё =итъаси туризми я=ин келажакда дунёда етакчи регионга айланади. Бунинг асосий сабаби Осиё мамлакатлари и=тисодиёти тезликда ривожланаётган ҳудуд ҳисобланади.

Айрим мамлакатларнинг ривожланиши ва ихтисослантирилиш даражасидаги фар=и хорижий Оврўпадагига нисбатан Осиёда яққолроқ акс этган. Кўп мамлакатлар феодализмдан муносабатлардан капитализмга ытиш бос=ичини бошдан кечирмоқда. Айниқса =уйидаги янги мамлакатларнинг саноат и=тисодиёти жуда тез ривожланмоқда: Корея Республикаси, Тайван, Сингапур, Малайзия, Тайланд шамда Хитой ва Ҳиндистон. Форс кўрфази нефт чиқарувчи мамлакатларида и=тисод жуда юқори суръатда ривожланмоқда. Уларнинг кўпида ривожланган мамлакатлар транснационал корпорациялари билан узвий бо\ли= былган йирик миллий буржуазия тузилган.

Бирма, Непал, Малдив Республикаси, Лаос, Бутан, Йемен, Комбоджа каби Осиёнинг мамлакатларида ҳозирги замон бозор муносабатларига ытиш ҳаддан ташқари секин бормо=да, замонавий саноат эса деярли йы=дир.

Кўпгина давлатлар хўжалиги қишлоқ хўжалик ва қон ишлаб чиқариш саноатидан иборатдир. Уларнинг кўпида ҳозиргача озиқ-овқат муаммоси ҳал этилмаган. қишлоқ хўжалигини мутахассислаштириш, янги шаклга тушмоқда. Жанубий, Шар=ий ва Жануби Шар=ий Осиёда муссон иқлимли районларда меънат ресурслари орти=чадир ва қишлоқ хўжаликка ер етмаслиги туфайли шоли

экуви ривожланган. Бир йилда шолідан уч марта ҳосил олинади. Бу районда яшовчилар йилига Оврўпаликдан 50-100 марта кўп гуруч истеъмол =илади. ХХР, Япония, Ҳиндистон, Шри-Ланка чой етиштиришга мутахассисланган. Бирма, Лаос ва Тайланд чегарасида “олтин учбурчак” кўкнор экиш майдони жойлашган. Жануби -Ғарбий Осиёда илғор маданияти бўлиб суғориладиган ерларда буғдой етиштириш ҳисобланади, бу ерда чорвадорчилик ҳам яхши йилга қўйилган.

Тоғда кон ишлаб чиқариш саноати минерал ресурсларга бой мамлакатларда ривожланган бўлиб, йирик компаниялари томонидан етарлича даражада назорат =илинади.

Жаҳон ишлама саноатидаги Осиё ривожланаётган мамлакатларнинг улуши паст - жамми 3%. Бош рол ЯИМ га тегишлидир, Ҳиндистон ва Форс кўрфаси мамлакатларига ҳам, кейинги 15-20 йил ичида ЯИМ и=тисодий бухронни бошдан кечирмоқда, бу ерда и=тисод Япон модели бўйича қайта қурилмоқда. Автомобиль, нефт-кимёси, кемалар қуриш ва электрон саноати вужудга келди, енгил саноат тез ривожланмоқда. Кейинги йилларда бу мамлакатларда ЯИМ нинг ҳар йилги ўсиши 5-8% ни ташкил этади.

Форс кўрфаси нефт ишлаб чиқариш мамлакатлари фақатгина и=тисодий эмас, балки Суэц канали, Берлин - Боғдод автомобил йўли нефт гигант бўйлиги, тайёр маҳсулот катта ҳажми бозори борлиги туфайли гомеопатик ва ҳарбий стратегик аҳамиятга эга. Саудия Арабистони, Эрон, Ироқ, Қувайт, БАА да олинаётган нефт туфайли, жуда катта фойда олмоқдалар. Булар етарли даражада ривожланган нефт кимёси ва металлургия саноатини қудратли саноат райони мукамал замонавий шашарга айланади, Саудия Арабистонни шу шудудда дон хўжалиги ривожланишида йўлбошчи бўлди.

Давлатлараро чакана савдо (ДҲС) ривожланган Осиё мамлакатлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлар (чой, табиий каучук, жут, зираворлар, субтропик хўл мевалар) ва кон ишлаб чиқариш саноати (нефт, газ, марганец, кўрғошин,

вольфрам, хромит, темир рудаси) билан таъминловчи сифатида жашон бозорига чиқмоқда.

1. БМТ га биноан давлатларни ривожланган ва ривожланмаган давлатга ажратишида аҳоли киши бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот миқдори кўрсаткичи хизмат қилади.

2. Аҳоли зичлигининг кескин ортиши ва табиатга сиқув бўлган шароитда хыжалик нагрукалари табиий системаларни ўз-ўзини тозалаш қобилиятини ошириб юборди.

3. Ривожланган мамлакатларда хизмат соҳасидаги аҳоли улуши биринчи ўринда туради, мисол учун А+Шда 50% дан ортиқдир.

4. Қўшма Штатларда шашарларга ўтиб жойланиш натижасида ақлий меҳнат кенг тарқалди. Ўйрик шашарлар учун янги шудудларни очиш билан бўлиб қолган миграция ҳосдир. Яна бир миграция омили - қочоқлар миграцион омилидир.

4.2. Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари туризми

Жанубий-Шарқий Осиё минтақасига иқтисодий инқироз ўзининг катта таъсирини ўтказди. Ушбу минтақада ички минтақавий туризмда шу билан бирга осиелик туристлар омилига бўлиқлиги юқори даражада бўлгани сабабли туристик йыналишлар бўйича кўрсаткичлар шам тушиб кетди. Японияга туристлар омили -2,8% га камайди, ушбу кўрсаткич тегишли тарзда Янги Зеландияда -3,1%, Индонезияда -3,1%, Филиппинда -2,5%, Гонгконгда -7,1%, Сингапурда эса -14%га камайди. Аммо туристларнинг узок масофадаги давлатларга қилинадиган сафарлар нархи юқорилиги ва унинг ўрнига яқин шудудларга саёхат қилишни афзал кўрганлигидан ушбу минтақанинг айрим мамлакатлари усталик билан фойдаландилар. Хусусан, Таиландга туристлар омили 6,9%га ошди, лекин айна пайтда ушбу сошадан келадиган тушумлар -

9,3%га камайди. “Савдо жаннати”га айланган Жанубий Корея Республикасига оими 8,7%га ошди, даромад 11%га кўпайди. Минтақадаги туризм ҳажмининг 1-3 қисми тўғриси келадиган, ички минтақавий туризмга боғланиб қолган ХХР эса А+Ш ва Европанинг бошқа мамлакатларидан келадиган туристлар сони 10%га ошиши эъвазига жами туристлар оимини 1% оширишга муваффақ бўлди.

4.2.1-жадвал

Жанубий-Шарқий Осиёга туристлар ташрифи ва келажакдаги истиқболлари

Йиллар	Туристлар сони (млн. киши. ҳис)	Туристлар сонининг ўртача йиллик ўсиши (%да)	Даромад (млрд. дол.ҳис)	Даромаднинг ўртача йиллик ўсиши (%да)
2002	95.2	4.1	82.6	5.7
2010	156.9	6.4	130.2	4.4

Манба: Основные показатели развития туризма в 2003 году. ВТО.

ХХР шукумати кейинги ўн йил мобайнида халқаро туризмни ривожлантиришга катта эътибор берган шолда 1990 йилда жаҳон туризмида тушум бййича 25-ўринни банд қилиб турган бўлса, 2002 йилга келиб Осиёдаги барча давлатларни ортида қолдириб жаҳонда еттинчи ўринга чиқиб олишга эришди.

4.3. Марказий Осиё туризми

Марказий Осиё туризми ривожланиши ва унинг истиқболлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, асосан бу минтақада тўртта мустақил ёш суверинтет республикалар туризми тушинилади. Минтақада туризми ривожланган давлат Ўзбекистон ҳисобланади. Собиқ СССР даврида ҳам Ўзбекистон минтақада туризми ривожланган етакчи республика ҳисобланган. Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон мамлакатлари иқтисодий инқироз туфайли халқаро ва ички туризмда деярли ривожланиш кузатилгани йўқ. Ўзбекистон туризми

ҳақида тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда ички имкониятларнинг роли бекиёс даражада катта. Бу имкониятларни тўғри йўналтирган шолдагина маъсадга эришиш мумкин бўлади. Халқаро туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этадиган ҳувидаги омилларнинг Марказий Осиёда яхши ривожланганлигини кўрсатиш мумкин:

- миллий, тарихий ва қадимий қадамжоларнинг кўплиги;
- халқларимизнинг меҳмондўстлиги ва миллий анъаналаримизга бойлиги;
- ҳудуднинг ранг-баранг табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги;
- автомагистраллар ва темир йўлларнинг равонлиги, етарли даражадаги ривожланган инфратузилмаси;
- ҳудуднинг Европа ва Осиё қитъалари чораҳасидаги стратегик йўлда (ўтмишда эса Буюк Ипак Йўли марказида) жойлашганлиги;
- халқаро ҳаво йўлларининг етарли даражада ривожланган тармоғи мавжудлиги;
- мусулмонлар ва бошқа динга сиғинувчилар учун муҳим аҳамият касб этувчи муқаддас қадамжоларнинг кўплиги.

Халқаро туризмни ривожлантиришда давлат ёндашувини талаб қиладиган бир ҳаёт омиллар шам мавжуд бўлиб, бу омилларнинг ечимини топмасдан туризмни ривожлантириб бўлмайди. Бу омиллар ҳувидагилардан иборатдир:

- ҳудуддаги мамлакатларда виза ва божхона масалаларининг мураккаблиги;
- туризм инфратузилмасини ташкил этувчи ташкилотларнинг биргаликда фаолият олиб бормаслиги;
- яқка тартибда саёҳатга чиққан туристлар учун авиачипталар нархининг юқорилиги;
- меҳмонхоналардаги хизмат нархларининг халқаро меъёрлардан нисбатан қиммат бўлишидир.

Кўриб ытилган омилларнинг ҳар бири туризмни ривожлантиришнинг имконият даражасини белгилаш билан бир =аторда хал=аро миқёсда танилишида асосий йыналишларидан бири былиб қолади.

4.4. Яқин Шарқ мамлакатлари туризми

Ушбу минтақанинг кырсаткичлари жащондаги ўртача ўсишга нисбатан анча тезкорлик билан ривожланмокда. Жумладан, туристлар о=ими 5,3% га, тушум 6,4%га ўсган. Худуддаги мамлакатлардан Ливан (18%), Иордания (12%), Бахрейн (4%) о=имнинг кўпайишига эришди. Бошқа мамлакатларга нисбатан ривожланган Миср туристларга сервис хизмати кырсатишни яхшилаш натижасида сайёхлар о=ими 3%га ўсишига эришди. Ҳозир бутун дунёдан туристлар Мисрнинг қадимий эҳромларини кўриш учун ва афсонавий Нил дарёси қирғоқларида ташкил этилган қадимги ёдгорликларни зиёрат =илишга ошиқмокдалар.

4.4.1-жадвал

Я=ин Шар= мамлакатларига туристлар ташрифи ва келажакдаги исти=боллари

Йиллар	Туристлар сони (млн. киши. ҳис)	Туристлар сонининг ўртача йиллик ысиши (%да)	Даромад (млрд. дол.ҳис)	Даромаднинг ыртача йиллик ысиши (%да)
2002	27.5	4.1	12.9	10.7
2010	52.9	8.4	33.2	6.4

Манба: Основные показатели развития туризма в 2003 году. ВТО.

Бутунжащон Туризм Ташкилоти маълумотларига кўра, жащон быйича кейинги ўн йилликда туристик о=имнинг ўртача йиллик ўсиши Европа минтақасида 3,1%, Яқин Шарқда 6,9%, Жанубий Осиёда 6,4%, Осиё-Тинч океани минтақасида 7,7%ни ташкил этди. Бизнинг республикамизда ушбу кырсаткич йилига 15% даражасида белгиланган, бу эса БТТнинг Осиё минтақасига оид тахминларидан икки маротаба юқоридир. Лекин, республикамиз турмахсулотини

жашон талаби даражасига келтириш ва маркетинг соҳасидаги баъзи бир камчиликларни бартараф этиш учун кўпроқ мабла\ ажратиш тақозо =илинади. Жаҳон мамлакатларида туризмга сарфланаётган харажатларни кыриб ўтганимизда, бу харажатлар тез орада ызини қоплашининг гувоҳи бўламиз.

Хулоса

Осиёнинг кўпгина мамлакатлари турли миллатли бўлиб уларда хал=аро низо сунмаётган: Афғонистон, Ҳиндистон, Шри-Ланка давлатлари мавжуд. Осиё барча жашон динлари ватанидир. Аҳолининг жойлашуви жуда бетартибдир.

Шунинг учун Осиё туризми ривожланиши ҳам бирдек эмас. Территориянинг катта бўлиши туристлар ҳаракатининг чекланмаганлиги туризм учун =улайликлар яратади.

Айрим мамлакатларнинг ривожланиши ва ихтисослантирилиш даражасидаги фар=и хорижий Оврўпадагига нисбатан Осиёда яққолроқ акс этган. Кўп мамлакатлар феодализмдан капитализмга ўтиш бос=ичини бошдан кечирмоқда. Айниқса =уйидаги янги мамлакатларнинг саноат и=тисодиёти жуда тез ривожланмоқда: Корея Республикаси, Тайван, Сингапур, Малайзия, Тайланд ҳамда Ҳитой ва Ҳиндистон. Форс кўрфази нефт чиқарувчи мамлакатларида и=тисод жуда юқори суръатда ривожланмоқда. Уларнинг кўпида ривожланган мамлакатлар транснационал корпорациялари билан узвий бо\ли= бўлган йирик миллий буржуазия тузилган.

Осиё туризмида сўнги йилларда ХХРнинг ўрни ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби мамлакат иқтисодиётининг бир маромда ривожланиб бориши бўлмоқда. Лекин, Марказий Осиё туризми ҳам тезликда ривожланиб бормоқда.

Умуман олганда яқин келажакда Осиё туризми келажаги парлоқлиги башорат қилинмоқда.

Назорат учун саволлар

1. ХХР нинг туризми нимага асосланган?

2. Яқин Шарқ мамлакатлари туризми ривожланиши шолатини тушунтиринг?
3. Яқин Шарқ мамлакатлари туризми нима учун асосан мавсумий ҳисобланади?
4. Диний туризмнинг нима сабабдан айнан Яқин Шарқ мамлакатларида ривожланиши тезлашиб бормоқда?
5. Хитойда туризмнинг қайси тури ривожланган?
6. Нима учун Марказий Осиёда туризм бирдек ривожланишга эга эмас?
7. Марказий Осиё республикалари туризми ривожланишида етакчи омиллар?
8. Жанубий Корея туризми нима сабабдан тезликда ривожлана олди?
9. Нефт экспорт қилувчи давлатлар туризмида асосий йўналишларни белгиланг?
10. Нима сабабдан Осиё туризми барқарор ривожланишга эга эмас?

Адабиётлар

1. Чудновский А.Д., Жукова М.А., Сенин В.С. Управление индустрий туризма. -М: Финансы и статистика. 2004. -437 с.
2. Чудновский А.Д., Жукова М.А., Сенин В.С. Управление индустрий туризма. -М: Финансы и статистика. 2004. -437 с.
3. Lundberg D., Krishnamurthy M. – Tourism Economics. New York: John Wiley Sons Inc. 2003. -210 p
4. Норчаев.А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири. и.ф.н. дисс. –ТДИУ, 2004. -130 б.
5. Основные показатели развития туризма в 2003 г. ВТО. –Мадрид, 2004. 30 стр.
6. www.world-tourism.org – Всемирная туристская организация
7. www.tag-group.com – Консультативная группа по вопросам туризма (TAG)

V-бoб. АМЕРИКА МИНТАҚАСИДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИ

5.1. Америка минтақаси туризми ривожланиши динамикаси

5.2.Шимолий Америка мамлакатларида халқаро туризм ривожланиши

5.3.Лотин Америкаси мамлакатларида халқаро туризм ривожланиши

5.1. Америка минтақаси туризми ривожланиши динамикаси

Америка минтақаси хорижий туристик ташрифлар бўйича Европа минтақасидан кейинги иккинчи ўринда туради. Бутунжаҳон туризм ташкилоти таркибига кирувчи туризм ҳудудлари Шимолий Америка, марказий Америка, Жанубий Америка ва Кариб ороллари ҳисобланади. Минтақа бўйича хорижий ташрифларнинг ярими Америка Қўшма штатлари ва Канада мамлакатларига тўғри келади. Америка Қўшма штатлари, Канада ва Мексика мамлакатлари Америка минтақасининг асосий туризм марказлари ҳисобланиб, уларнинг туризм бозорини асосий қисмини Шимолий Америка мамлакатлари таъминлайди. Минтақада халқаро туристик ташрифлар ва халқаро туризм тушумлари бўйича биринчи ўринда Америка Қўшма штатлари туради. Минтақага қилинган хорижий ташрифларнинг 35-50%и, халқаро туризм тушумларининг 50-60%и Америка Қўшма штатлари мамлакатига тўғри келади. Минтақа бўйича иккинчи ўринда Кариб ороллари туради, бу ҳудудга йилига 12-15 миллион туристлар ташриф буюради. Жанубий Америка мамлакатларида нисбатан туризм кам ривожланган умумий туристик ташрифларнинг 9-10%и тўғри келади. Бунга асосий сабаб сиёсатнинг беқарорлиги, ва иқтисодий ривожланишнинг нотекислиги бўлиши мумкин.

Америка минтақасига қилинган хорижий ташрифларнинг 0,9%и Африка, Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларига тўғри келади. 5,5%и Шарқий Осиё

ва Тинч Океани минтақаси мамлакатларига, 9,0% эса Европа минтақаси мамлакатларига, 85,0%и Америка минтақаси мамлакатларига тўғри келади.

5.1.1-жадвал

Америка минтақаси туризми динамикаси 1992-2002 йиллар

Йил лар	Хизмат кўрсатилг ан туристлар млн. киши	Ўртача йиллик ўзга- риши%	Жаҳондаги умумийдан улиши%	Даромад млрд. АҚШ долл.	Ўртача йиллик ўзгариш %	Жаҳондаги умумийда улиши%
1992	101,08	4,26	20,99	83,595	12,88	28,21
1993	106,525	5,39	21,30	95,545	14,30	29,48
1994	107,760	1,16	19,62	95,084	-0,48	27,43
1995	108,748	2,77	19,56	100,262	5,44	25,50
1996	115,511	4,30	19,51	106,378	6,1	25,15
2000	128,000	10,8	18,62	121,800	14,4	27,03
2001	120,200	-6,1	17,57	119,907	-1,6	26,15
2002	114,854	-4,4	16,35	114,255	-4,8	24,1

Манба: Основные показатели развития туризма в 2003 году. ВТО

Америка минтақаси 1970 йилда жаҳон туризм ташрифларининг 25,5% ни ташкил қилган бўлса, кейинги йилларда туризм ҳаражатларининг ўсиши сабабли мунтазам равишда пасайиш кузатилган, 1985 йилга келиб бу кўрсаткич жаҳон туристик ташрифларининг 20,17% ни ташкил этган. 1985-1995 йилларда, туристик ташрифлар бўйича ўсиш кузатилмаган, 1996 йилга келиб 19,5% га тушиб кетган. 2000 йилга келиб халқаро туристик ташрифлар 10,8% га ўсган, лекин жаҳон бўйича, 18,62% ни ташкил этган. 2001 йилда 6,1% га 2002 йилда эса 4,4% га пасайиш кузатилган.

Америка минтақасида халқаро туристик ташрифлардан тушган тушум 2000 йилда. 121 млрд. 800 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Олдинги йилларга нисбатан 14,4% га ўсиш кузатилган. 2001 йилда бу кўрсаткич 1,6% га 2002 йилда эса 4,8% га пасайиш кузатилган.

**Америка минтақаси ҳудудлари бўйича 1995-2002 йилларда
халқаро туристик ташрифлар**

Ҳудудлар	Йиллик ўзгаришлар %да				Минтақалар улиши %да		
	1995	2000	2001	2002	2001/2002	2002/2001	2002
Шимолий Америка	80,5	91,2	84,4	81,6	-7,5	-3,3	71,0
Кариб Ороллари	14,0	17,2	16,9	16,1	-1,6	-5,1	14,0
Марказ. Америка	2,6	4,3	4,4	4,7	1,7	6,4	4,1
Жанубий Америка	11,7	15,2	14,4	12,5	-5,0	-13,6	10,9
Америка минтақаси бўйича жами	108,8	128,0	120,2	114,9	-6,1	-4,4	10,0

Манба: Основные показатели развития туризма в 2003 году. ВТО

Америка минтақаси 2002 йилда халқаро туристик ташрифларни 16,3%ни ташкил этган. 2002 йилда бу минтақага 114,9 млн. туристлар ташриф буюрган: Шимолий Америка ҳудудига 81,6 млн. Кариб оролларига 16,1 млн. Марказий Америкага 4,7 млн. Жанубий Америка ҳудудларига 12,5 млн. 2001 йил 11 сентябр Америка Қўшма Штатларида содир бўлган воқеалар таъсирида 2001 йил 2000 йилга нисбатан хорижий туристлар ташрифи 6,1%га 2002 йилда 2001 йилга нисбатан 4,4%га камайган. Америка минтақасининг ҳамма ҳудудларида 2002 йилда хорижий ташрифларнинг камайиши кузатилган. Фақатгина Марказий Америка ҳудудида 2001 йил 1,7% га 2002 йил 6,4% га хорижий туристлар ташрифи ўсган ва Америка минтақасининг 1999 йилга нисбатан 2000 йилда 5,0% ўсишига ижобий таъсир кўрсатган.

5.2. Шимолий Америка мамлакатларида халқаро туризм ривожланиши

Америка Қўшма Штатлари туризми

Америка Қўшма Штатлари Шимолий Америка Қитъасида жойлашган бўлиб, майдонининг катталиги бўйича дунёда Россия, Канада ва Хитойдан кейинги тўртинчи ўринда туради. Унинг майдони 9,4 млн. кв.км.га яқин бўлиб, ҳудудий жиҳатдан уч қисмдан иборат.

1. Асосий қисм Бутун ҳудуднинг 84% ни эгаллайди. Шарқдан Фарбга 4,5 минг, Шимолдан Жанубга сал кам уч минг км. га чўзилган. Шимолдан Канада, Жанубдан Мексика, Шарқдан Атлантика ва Фарбдан Тинч океани билан ўралган.

2. Аляска ҳамда Алеут ороллари. Мамлакат ҳудудининг 16,0% ни ташкил этади. Аляска Канаданинг Шимолий - Фарбий қисми билан чегарадош.

3. Гавайи ороллари, 24 оролдан иборат архепелаг бўлиб, мамлакат ҳудудининг 0,2% ни ташкил этади.

АҚШ нинг географик ўрни тарихнинг барча босқичларида мамлакат туризм индустриясини ривожланишига қулайлик яратган.

Бу, аввало денгиз чегараларида ажойиб табиий бандаргоҳларнинг мавжудлиги, айниқса мамлакат ҳудудининг Атлантика ва Тинч океанлари орасида жойлашганлиги билан боғлиқ. Канада билан қуруқлик чегаралари ҳам табиий чегаралар, яъни дарё ва кўллар орқали ўтилади савдо ва туризм алоқаларининг ривожланишига қулайликлар туғдиради.

Минтақага келган туристлар сони ва пул тушумлари мос равишда 44% ва 64% бўйича А+Ш биринчи ўринда туради. Бу ички бозорнинг ылканлиги ва мамлакат инфраструктурасини кучли ривожланиши билан белгиланади. А+Ш дунёдаги катта меҳмонхона тушуми ва транспорт саноатга эгадир. Минтақа туризм тараққиёти бўйича иккинчи ўринда, йилига 12 миллион турист қабул

қилувчи Кариб ороллари туради. Жанубий Амеркага былган турист оими нисбатан кучсиз. Масалан, келганлар улуши 10% ни, пул тушумлари эса 9% ни ташкил этади. Бу минтақадаги сиёсий вазиятларнинг бекарорлигига итисодиётнинг яхши ривожланганлиги билан изоҳланади.

АҚШ да туризм асосан Флорида, Калифорния ва Невада штатларининг Шимолий Шарқий қисмида ривожланган. Уларнинг иқлими ёзда денгиз бўйида дам олиш ҳамда спортнинг қишки турлари билан шуғулланиш учун қулай.

Шимолий Америка худуди тарихий ёдгорликларга бой бўлмаса ҳам, уларнинг аксарият қисми айнан шу худудда жойлашган. Айрим эски шаҳарларда кўчалар XVIII – асрда қандай бўлган бўлса, ўша ҳолатда сақланиб қолган бу албатта хорижий туристларни қизиқишларини орттиради. Аммо бу худуд биринчи навбатда, Нью-Йорк шаҳри бошчилигида замонавий маданият ва бизнес маркази сифатида дунёга машхур. Пляжлар тизими шимолий худуд Кейп – Кодедан бошланиб, Жанубий худуд Кейп – Хаттерасгача давом этади, қирғоқлар эса қум тепаликлардан иборат. Лонг–Айленд шимолий қирғоқлари парус спорти билан шуғулланиш учун қулай. Масалан: Ньюпорт районида Нью-Йорк бадавлат аҳолисининг шахсий пляжлари мавжуд бўлган иккинчи ўйлари жойлашган. МЭН лар штати қирғоқлари тошлардан иборат бўлганлиги сабабли, у ерларда туризм кам ривожланган. Бу ерда жойлашган Аркадия миллий боғи ўз мавқеига биноан мамлакатнинг иккинчи боғи ҳисобланади ва бир йилда тўрт миллион туристларни қабул қила олади. Флорида штатида туризм аввалги асрнинг 70-йилларида қишки дам олиш зонаси сифатида ривожлана бошлаган. Бой америкаликларнинг аксарият қисми бу ерга қишда келиб дам олиш учун уйлар қурганлар, аммо XX–асрнинг 20 – йилларида штатда катта ўзгаришлар бўлди ва бу худуд улкан туристик марказга айланди. 1987 йилга келиб йилига 34 млн. туристларни қабул қилиш имкониятига эга бўлди. Штатда туризмдан келадиган даромад миқдори 40 млрд. доллардан ошиб кетди. Шу билан бирга 1,28 млн. аҳоли иш билан таъминланди.

Маями - Бич улкан кўнгил очар тадбирлари билан дунёда ном қозонган. Шимолда элита виллаларига бой Палм – Бич жойлашган, ғарбий қирғоқда эса форт Майерс ва Санкт–Петесбург оралиғида юқори сифатли пляжлар мавжуд: Штатнинг кўзга ташланадиган жойлари – бу, Диснейленд ва Космик тадқиқотлар маркази ҳисобланади. Флорида штатида катта автомобил йўл тизими мавжуд. Шу сабабли ҳам бу ерга автотуристларнинг катта қисми ташриф буюради.

Флориданинг транзит туризми унча катта эмас. Майами порти Америка круиз йўловчилари учун дарвоза ҳисобланади ва бир йилда бир миллионга яқин туристларни ўтказди. АҚШ штатлари орасида Калифорния штати хорижий туристик ташрифлар бўйича етакчилик қилади. Аҳолининг 90%и дан ошиғи Тинч океани қирғоқларида жойлашган шаҳарларида яшагани учун, бу ерда бир кунлик ички туризм яхши ривожланган ва шунга қарамасдан Калифорния, АҚШ халқаро туризмнинг асосий марказларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Калифорния, қирғоқлари турли – туман табиат манзараларига бой. Бу ерда кумлик пляжлар ва қоялар мавжуд. Штатнинг ички қисмида эса дам олиш ва саёҳат қилиш учун кўплаб гўзал жойлар бунёд қилинган. Бу ерда йилига уч миллионга яқин меҳмонларни қабул қила оладиган мамлакат миллий парки – Йосемит парки бунёд этилган.

Лос – Анжелес штатнинг асосий туристик маркази ҳисобланади. Бу ерда дунёга машҳур Голливуд киностудияси ва болалар оромгоҳи Диснейленд мавжуд.

Калифорниянинг бошқа йирик туристик шаҳарларига Сан-Диего ва Сан – Францесколар ҳам киради.

Калифорния яқинида АҚШнинг бошқа муҳим туристик марказлари Невада штатининг Лас – Вегас шаҳри ва Аризона штатининг Гранд – Каньон шаҳри жойлашган, йилига 16,2 миллион сайёҳлар уни зиёрат қилишга ташриф буюрадилар. Улар йилига 8,6 млрд. доллар фойда келтирадилар. Ҳар йили АҚШ мамлакати бу шаҳарларда меҳмонхона хўжалигини ривожлантиришга катта

маблағ сарфлайди. Бу ерда дунёнинг улкан отеллари, «Нью-Йорк» ва «MGM» отеллари жойлашган. Гранд – Каньон Колорадо дарёси бўйидаги водийда жойлашган. У машҳур миллий парк сифатида йилига 3,5 миллион меҳмонларни қабул қилиш имкониятига эга. АҚШ нинг бошқа штатлари ҳам кўзга ташланадиган туристик масканларга бой. Масалан: Техасда ҳар томонлама қулай гўзал пляжлар мавжуд бўлса, Хюстонда космик тадқиқотлар маркази мавжуд. Вайоминг, Колорадо, Монтана, Юта Штатлари жуда бой туристик ресурсларга эга.

Чет эл меҳмонлари иккита асосий гуруҳга бўлинади: кўшни мамлакатлар Мексика ва Канададан келадиган меҳмонлар, ҳамда океан ортидаги мамлакатлардан келадиган меҳмонлар. Биринчи гуруҳ умумий ташриф буюрувчиларнинг 60-62% ни ташкил қилади. Бироқ Нью-Йорк Гавая ороллари ва Калифорния ҳам улар учун муҳим туристик марказ бўлиб ҳисобланади. Қитъалараро меҳмонларнинг асосий қисми АҚШга Европа ва Осиё мамлакатларидан ташриф буюрадилар. Европа қитъасидан ташриф буюрувчи саёҳатчиларнинг 2,5 млн. га яқинини Буюк Британияликлар, Осиё Қитъасидан келадиган меҳмонларни 3,0-3,5 млн.га яқинини Япониялик меҳмонлар ташкил қилади.

Япониялик меҳмонларнинг 2/3 қисми кўпроқ Тинч океани ороллари – Гавая ва Гуамга ташриф буюрадилар.

Қитъалараро меҳмонлар мамлакат бўйлаб саёҳати вақтида Сан – Францескога яқин жойлашган район – Силикон водийсига кўпроқ ташриф буюрадилар, чунки Силикон водийси юқори технологияларни ривожлантиришнинг асосий маркази ҳисобланади. Шу сабабли у кўпроқ Япониялик туристларни жалб қилади. Чет эл меҳмонларининг ташрифи қуйидагича: уларнинг кўпчилиқ қисми Нью-Йоркка тўғри келади ва 17,9% ни ташкил қилади, ундан кейин Тинч океани қирғоқлари 19,5%, Флорида ўзининг қирғоқ бўйи масканлари билан биргаликда 18,5% ни ташкил қилади. АҚШ аҳолиси сонининг кўплигига қарамасдан мамлакатдан четга

аҳолининг жуда кам қисми саёҳатга чиқади. Масалан, ҳар йили чет давлатларга 50-70 миллион киши саёҳатга чиқади, уларнинг асосий қисми қўшни мамлакатлар Мексика ва Канадага ташриф буюрадилар. Четга чиқиш туризмининг 25%и Европа мамлакатларига, 17%и Узоқ- Шарққа ва 10%и Кариб оролларига тўғри келади.

Америкаликларнинг қисқа дам олиш таътилларининг 51%и икки ёки ундан камроқ кунни ташкил қилади. Америка аҳолиси орасида кўллар ва қирғоқ бўйида жойлашган курорт ҳамда дам олиш зоналарига қилинадиган ташрифлар сони ортиб бормоқда.

Америка Қўшма Штатлари мамлакати халқаро туризм ҳаракатларининг иқтисодий таҳлил натижаларини кўрсатишича, жаҳон бўйича туристик ташрифларнинг 6,0% Америка Қўшма Штатлари мамлакатига тўғри келади. 2001 йилга нисбатан 2002 йилда хорижий туристлар ташрифи 6,7%га камайган. Америка минтақаси бўйича ташрифларнинг 36,5%и бу мамлакатга тўғри келган.

Халқаро туризм тушумлари бўйича, жаҳон туризм даромадларининг 14,0%и, Америка минтақаси тушумлари бўйича 58,2% ни ташкил қилган. Халқаро туризм даромадлари бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллаган. 2001 йилга нисбатан 2002 йилда даромадлар миқдори 7,4%га камайган.

2001 йил 11-сентябрда АҚШда содир этилган террористик ҳуриж туризм ва транспорт соҳасида янги таркибий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Шунинг учун ҳам АҚШ туризм индустриясининг ўсиш даражасининг пасайиши кузатилган. Бу эса, америкалик туристларни худди Европадаги сингари ички туризм имкониятларидан фойдаланишга ундайди ва хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор берилиб янги институционал ўзгаришларни юзага келтиради. АҚШда ЯММ миқдори 67,4 млрд. доллар, жон бошига 25850 долларга тўғри келади.

АҚШ да Ўзбекистон Республикаси билан 1992 йил 19 февралдан дипломатик муносабатлар ўрнатган ва иккала давлатда ҳам элчихоналар очилган.

АҚШ Ўзбекистоннинг энг муҳим иқтисодий ҳамкори ҳисоб-ланади. Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ислохотлар йўлида дадил боришидаги ҳозирги давр изчил босқич сифатида қаралар экан, Америкалик ҳамкорлар тажрибаси бизга қўл келади. Америкадан ўрганишимиз мумкин бўлган соҳалар бир талай, чунки бу давлат узоқ тарихий давр мобайнида бозор иқтисодиётини ривожлантириш борасида катта ва бой тажрибага эга, биз эса «Американи янгидан кашф этиб ўтирмасдан», унинг ижобий сабоқларини ҳар томонлама қунт билан ўрганишимиз ва энг муҳими ҳаётга тадбиқ этишимиз зарур. Ана шунда бошланган сиёсий ва иқтисодий ислохотларимиз самараси янада юқори бўлади.

Канада туризми

Канада шимолий Америкада жойлашган давлат бўлиб, ҳудудининг катталиги жиҳатдан Россиядан кейинги дунё бўйича иккинчи ўринда туради. Аҳолиси 29,0 миллион киши, энг йирик шаҳарлари, Оттава, Монреал, Ванкувер, Торонто. Аҳолисининг асосий қисми Европадан кўчиб келганларнинг аждоди бўлиб, англо – канадаликлар умумий аҳолининг 40% ни ташкил этади. Франко – Канадаликлар аҳолининг 27%ни, этник гуруҳлар 33% ни, туб халқ ҳиндулар 390 минг кишини, эскимослар эса 28 минг кишини ташкил қилади. Расмий тили инглиз ва француз тиллари. Канада иқтисодий жиҳатдан жаҳоннинг энг юксак ривожланган мамлакатлари қаторига киради. Ялпи миллий маҳсулотнинг ҳажми бўйича саноати ривожланган давлатлар ичида мустаҳкам еттинчи ўринни эгаллайди. «Катта еттилик»лар гуруҳига киради. Канадада Темир йўллар, Автомобил йўллар ниҳоятда ривожланган. Асосий портлари: Галифакс, Квебек, Сент–Джонс, Ванкувер, Тандер–Бей, Торонто.

Канада давлати иккинчи жаҳон уришидан кейин туризм индустрияси билан жиддий шуғуллана бошлади. Булар саёҳат, туризм, спорт ва фаол дам олиш санъат ва маданият ушбу йўналишларнинг ҳар бирида давлат томонидан таъсис этилган

агентликлар у ёки бу маъсулиятни зиммасига олган ҳолда фаолият олиб борадилар. Улар бир – бирларига ёрдам берадилар ва бир – бирлари билан маълум бир мажбуриятлар асосида иш олиб борадилар.

Урушдан кейинги ўн йилликларда Канада ҳукумати мамлакат ички заҳираларини биринчи навбатдаги вазифаларини бажариш учун ўз имкониятларини ишга солиб, бир қатор умум халқ маданий тадбирларини таъсис қилдилар. 1950 йиллар жисмоний тарбияга, 60 йилларда ёшлар билан ишлаш ва уларни муҳофазаси, 70–йилларда маданият ва маданиятлараро мулоқотлар 1980–1990–йилларда юқоридаги мавзуларни бирлаштирувчи оила ва никоҳ мавзуларига эътибор қаратилиб бир қанча дастурлар ҳаётга тадбиқ этилди.

Канадада бир қанча катта кўнгил очар миллий парклар ва 20 дан ортиқ миллий – тарихий парклар ва манзиллар бунёд этилган. Канаданинг туризм индустрияси АҚШ туризмини эслатади. Туристлар учун Онтарио ва Квебек, Алберто ва Британия Колумбияси юқори мавқега эга. АҚШ туризм бозорининг 18,9 миллионини Канадаликлар ташкил қилади. Канадалик туристлар АҚШ нинг жанубий ҳудудида жойлашган ёзги ва қишки курортларига, Мексика ва Кариб оролларига кўпроқ қизиқишади. Европа ва Буюк Британияга Канадаликлар асосан қариндош ва дўстларини кўриш учун борадилар, бу канадаликларнинг 38%и дан кўпроғини ташкил қилади. Канада халқаро туризмида чет эл туристларининг келиши 1990 йилларгача турғун ҳолатда бўлган. 1990–2000 йиларда чет эллик туристлар ташрифида бир мунча ўсиш кузатилган.

2001–2002 йилларда эса сезиларли даражада камайиш кузатилган. Масалан, 2001 йилда 2000 йилга нисбатан 7,5%га, 2002 йилда 2001 йилга нисбатан 3,3%га камайиш кузатилган. Халқаро туризмдан келиб тушадиган тушимлар миқдори ҳам 2001 йилда 12,0%га 2002 йилда эса 10%га пасайганлиги кузатилган. АҚШдан келадиган туристлар сони ҳам йилига 12,7 миллиондан 11,8 миллионга тушган. Осиё ва бошқа минтақалардан ташриф буюрувчи хорижий туристлар сони

сезиларли даражада камайган. Канада туризм бозорини асосан Буюк Британия, Франция ва АҚШ мамлакатлари таъминлайди.

Канада мамлакати халқаро туризм ҳаракатларининг иқтисодий таҳлили натижаларини кўрсатишича, жаҳон бўйича туристик ташрифларнинг 2,8%и, Америка минтақаси бўйича 17,4% Канада мамлакатига тўғри келади. 2001 йилга нисбатан 2002 йилда хорижий туристлар ташрифи 1,9% га кўпайган.

Халқаро туризм тушимлари бўйича, жаҳон туризм даромадларининг 2,0%и, Америка минтақаси тушумлари бўйича 8,4% ни ташкил қилган.

2001 йилга нисбатан 2002 йилда даромадлар миқдори 10,0% га пасайганлиги кузатилган.

Канада мамлакатада ҳар бир хорижий ташриф 557 АҚШ долларини ташкил қилган; бу кўрсаткич Америка минтақаси бўйича 995 АҚШ долларини, Америка Қўшма Штатларида эса 1588 долларни ташкил этган. Канада ЯММнинг ҳажми 646 млрд. АҚШ доллар, жон бошига ҳисоблаганда 23870 АҚШ долларни ташкил этади. ЯММнинг 6,4%ни халқаро туризм тушимлари ташкил қилади.

Канада мустақил Ўзбекистон республикасини биринчилар қаторида 1991 йил 1–декабрда тан олди ва 1992 йил 7–апрелдан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистон ва Канада ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик шартномалари мавжуд.

АҚШ ва Канада миллий парклари

Америка Қўшма Штатларида 367 та миллий парклар бўлиб, улар мамлакатнинг барча бурчакларида барпо этилган, булар жой ва ландшафтнинг бутун мўжизаларини ўзида акс эттирган.

1916 йил АҚШ Конгреси томонидан, табиатни муҳофазалаш, табиатнинг бундай мўжизаларини келажак авлодга қандай бўлса шундайлигича асраш, бу гўзалликлардан келажак авлодни баҳраманд қилиш мақсадида миллий парклар хизмати ташкил этилган.

Миллий парклар хизмати дунёга машхур Йеллоустон ва Йосемит паркларидан ташқари бошқа миллий паркларни ҳамда кўплаб тарихий аҳамиятга эга бўлган иншоотларни ҳам назорат қилади;

Бостондаги Озодлик сўқмоғи, Филадельфиядаги Мустақиллик Зали, Гавайидаги Аризона кемасига бағишланган мемориал, кўплаб маданият ёдгорликлари, археологик қазилмалар, елканли кемалар, Колониал даври кийимлари, фуқаролар уруши даври ҳужжатлари ва шунга ўхшаш кўплаб тарихий ёдгорликларни парк хизмати ўз ҳимоясига олган.

Парк хизмати Арктика тундраларидан тортиб Маржон қояларигача бўлган экотизимларни, ҳавони ва истеъмол қилинадиган сув ресурсларини ҳам ўз назоратига олган. У иқлим ўзгаришлари ва биологик ўзгаришлар бўйича ҳам халқаро лойиҳаларда иштирок этади.

Америкаликлар, «Бизнинг миллий паркларимиз каби табиий мўжизалар, мутлақо демократик америкача ҳаёт» дунёнинг ҳеч бир бурчагида йўқ, мамлакат бутун бойликлари билан халқникидир, деган асосий шиорга таянадилар. Ўта гўзал табиат мўжизалари, табиий ландшафтларни сақлаш ва асраш, уларнинг асосий мақсади, буларни кўриб инсонлар завқлансин ва лаззатлансин, лекин Американинг бундай ноёб табиий бойликлари инсон шафқатсизлиги билан топталмасин деган ғояга амал қиладилар.

Кейинги йигирма йил мобайнида тизимга яна учта кўриқхоналар қўшилди. Миллий паркларнинг янги турлари – шаҳар дам олиш ҳудудлари, дарё бўйи кўриқхоналари, сайёҳлик кўриқхоналари, тарихий жойлар парк хизмати ҳимоясига олинди.

Тарихий жойлар ва кўриқхоналар тизимларига кирувчи 367 та ҳудуд 80 миллион акр ерни эгаллайди. Турли миллий паркларнинг ўлчамлари ҳам турлича. Масалан: Врангелдаги миллий парк ва Аляскадаги Муқаддас Эляс парклари 13

миллион акр ерни эгаллаган бўлса, Тадеуш Костюшко миллий меъмориали атиги 0,2 акр ерни эгаллаган.

Америка миллий паркларига ҳар йили 273 миллион саёҳатчилар ташриф буюриб, ундаги бутун гўзалликлар, табиат мўжизаларини кўриб завқланадилар ва у ердаги хизматлар ва дастурлардан тўла – тўкис фойдаланадилар. Ҳозирги кунда кўп йиллар муқаддам парк хизмати ўз олдида қўйган вазифалари ўзгариб бормоқда, чунки ҳозирги кунга келиб ҳар бир паркнинг ўзига хос бўлган экотизимини сақлаб қолиш, ноёб йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб қолиш ва ҳимояга олиш вазифалари ўта муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Америка қитъасидаги иккинчи мамлакат Канадада 29 та миллий парklar ва 20 дан зиёд миллий тарихий парklar ҳамда табиий мўжизаларга бой бўлган манзиллар мавжуд. Энг гўзал тоғ юксакликлари худудида жойлашган Банф миллий паркига 1885 йилда асос солинган ва бу Канадада биринчи миллий парк тизими бўлиб ҳисобланар эди.

Ҳозирги кунга келиб эса унинг таркибига Жаспер, Ку – тене, Йохова Ревелсток миллий парклари бир неча маҳаллий парklar ва қўриқхоналар манзарали тоғ чўққиларига (Британия Колумбияси ва Алберта провинциялари) тутшиб кетган. Бу миллий парklarга поездларда (Канада Тинч Океан темир йўли), Автомашиналарда (Тронсканада шоссеси), шунингдек, маҳаллий авиакомпанияси хизматларидан фойдаланиб саёҳатчилар ташриф буюрадилар.

Канада давлати миллий парklar тўғрисидаги қонунда «Миллий парklar Канада халқи учун – Канада халқининг дам олиши ва кўнгил очиши ҳамда табиат мўжизаларидан завқ олиши учун бунёд этилган ва улар келгуси авлодларга илк гўзаллигини сақлаган ҳолда етказиб берилиши шарт», деб ёзилган, бу қонунга ҳозирги кунга қадар Канада халқи амал қилиб келади.

Канада миллий паркларида сайёҳлик хизматлари бугунги кун талаби даражасида ривожланган, кўплаб Швейцария услубидаги шалелар, чанги клублари, курортлар, спорт марказлари, хушманзара жойларда алоҳида дам олиш уйлари мавжуд. Канадада ва эҳтимол бутун дунёдаги энг катта парк Канаданинг Шимолий Ғарбий ҳудуди Алберта провинциясида жойлашган Вуд баффало миллий парки ҳисобланади. Бу миллий парк 4 миллион 480 минг гектар ерни ташкил этади ва унда дунёдаги энг йирик ёввойи бизон подалари яшайди. Бу парк табиат қўриқхонаси сифатида муҳофаза қилинади, туристларнинг оммавий равишда саёҳатларга боришлари тақиқланади.

Канада ҳукумати иккинчи жаҳон урушидан кейин дам олиш ва кўнгил очиш ишлари билан жиддий равишда шуғуллана бошлади. Булар, саёҳат, туризм, спорт ва фаол дам олиш, санъат ва маданият соҳалари бўйича, ушбу йўналишларнинг ҳар бирида давлат томонидан таъсис этилган агентликлар бутун масъулиятни зиммаларига олган ҳолда фаолият олиб борадилар. Улар бир – бирларига ёрдам кўрсатадилар ва бир – бирлари билан маълум бир мажбуриятлар асосида иш олиб борадилар.

5.3. Лотин Америкаси мамлакатларида халқаро туризм

ривожланиши

Мексика туризми. Мексика давлати шимолий Американинг Жанубий-Ғарбий қисмида жойлашган. Ҳудуди 1958,2 минг кв. км. га тенг Тинч океани ва Калифорния қўлтиғидаги қатор ороллар ҳам унинг ҳудудига киради. Аҳолиси 94,0 млн. кишидан иборат. Пойтахти Мехико. Мехикода 20 млн. дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Йирик шаҳарлари Гвадалахара, Монтеррей, Пуэбла, Леон, Сьюдад–Хуарес. Аҳолисининг 55% испан -ҳинд метислари, (1910-йилнинг 16

сентябрига Испания мустамлакаси бўлган, 16 сентябр Мексиканинг «миллий байрами» ҳисобланади чунки шу йили Испания асоратидан ҳоли бўлиб мустақил ривожланиш йўлига ўтди). 29% маҳаллий хиндулар ва европаликларнинг аجدодларидан иборат. Расмий тили-испан тилидир.

Мексикани тоғлар мамлакати, деб аташ мумкин, чунки Мексика ҳудудининг ярми денгиз сатҳидан 1000 м баландликда жойлашган. Унинг табиий бойлик заҳиралари жуда катта бўлиб, бу соҳада Лотин Америкасида биринчи ўринда туради. Шунинг учун ҳам туризм соҳасини ривожлантириш бўйича катта имкониятларга эга мамлакат.

Мексика қадимий ва бой маданиятга эга бўлган мамлакатлардан бири бўлиб ҳисобланади. У ерда дунёга машҳур ассори – антиқалар ниҳоятда кўп, музей ва кутубхоналарда қадимий кўргазма ва кўлёмалар сақланиб қолган.

Мексикада автомобилсозлик, электроника ва электротехника етакчи соҳалардан ҳисобланади. Мамлакатда йилига 390-400 минг автомобиль ишлаб чиқарилади. Мамлакатда транспорт воситалари яхши ривожланган, 26,5 минг км. темир йўл, 237 минг км. автомобил йўллари мавжуд.

Денгиз флотлари Тинч ва Атлантика океан қирғоқларида жойлашган. Мамлакатда 53 та аэропорт бўлиб, Мексика шаҳарлари ва етакчи давлатлар билан ҳаво алоқалари ўрнатилган. Ялпи миллий маҳсулот 728,2 млрд АҚШ долларни ташкил этади. Мексикада туризм соҳаси фаолияти ҳам анча яхши йўлга қўйилган чет эл валюта тушумларининг 10%и туризм соҳасига тўғри келади.

Хорижий туристик ташрифлар бўйича Мексика давлати Америка қитъасида АҚШ ва Канададан кейинги учинчи ўринда туради. 2000 йилда Мексикага 20 миллион 641 минг хорижий туристлар ташриф буюрган, бу кўрсаткич 1999 йилга нисбатан 5,0% ўсишни ташкил этган. 2001 йилда 2000 йилга нисбатан хорижий туристлар ташрифи 4,0%га камайган.

2002 йилда 19,7 млн. чет эл туристлари ташриф буюрган 2001 йилга нисбатан 0,7% га ташрифлар сонини камайиши кузатилган.

Мексика туризм бозорини асосан АҚШ, Канада Европа Иттифоқи давлатлари, Марказий Америка, Осиё ва Тинч Океани ҳудудидаги мамлакатлар таъминлайди.

Мексика аҳолисининг турмуш тарзи ниҳоятда нотекис. Барча даромадларнинг 45%и 10% аҳоли қўлида тўпланган, 69% аҳоли ночор аҳволда яшайди. Мексика мамлакатада умуман, кўпгина ижтимоий масалалар ўз ечимини кутмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатда четга чиқиш ва ички туризм кам ривожланган. Бироқ мамлакатда туризм соҳасини ривожлантириш учун катта имкониятлар ва туристик ресурслар мавжуд.

Мексика мамлакати халқаро туризм ҳаракатларининг иқтисодий таҳлил натижаларини кўрсатишича, жаҳон туристик ташрифларнинг 2,7%и, Америка минтақасига қилинган ташрифларнинг 17,1%и Мексика мамлакатига тўғри келади. 2001 йилга нисбатан 2002 йилда хорижий туристлар ташрифи 0,7% га камайган.

Халқаро туризм тушумлари бўйича, жаҳон туризм даромадларининг 1,9%и, Америка минтақаси тушумлари бўйича 7,8% ни ташкил қилган.

2001 йилга нисбатан 2002 йилда даромадлар миқдори 5,4% га ўсганлиги кузатилган.

Ҳар бир хорижий ташриф Америка минтақасида ўртача 995 АҚШ долларини ташкил қилади. Мексика давлатида эса 2002 йилда ҳар бир хорижий ташриф 452 АҚШ долларини ташкил этган. Бу Мексикада туризм индустриясини, сервис хизматларини яхши ривожланмаганлигидан далолат беради.

Мексика Ўзбекистон республикасини 1991 йил 26- декабрда тан олади ва 1992 йил 16 мартдан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Иккала мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар йўлга қўйилмоқда.

Бразилия туризми. Бразилия Жанубий Америкада жойлашган давлат.

Бразилия худудининг катталиги 8,5 млн. кв. км, аҳолисининг сони 162,6 млн киши. лотин Америкасидаги энг йирик ва иқтисодий жиҳатдан қудратли давлат ҳисобланади. Америка қитъасидаги АҚШ ва Канададан бошқа давлатлар Лотин Америкаси деб юритилади. Бу мамлакатга хос муҳим хусусият шундан иборатки, бу мамлакатда португал тили давлат тили ҳисобланади, ваҳоланки, Лотин Америкасидаги бошқа давлатларда асосан испан тили давлат тили ҳисобланади. Бразилия 1500 йили португалияликлар томонидан кашф этилган, XIX – асрга қадар Португалия мустамлакаси бўлган.

Бразилия «Қизил дарахт» дегани, 1822 йилда мустақил империяга айланди. 1889 йили республика деб эълон қилинади. Бозор муносабатлари асосида ривожланиш йўлини танлаб олиб, муҳим ислохотлар ўтказилди. Йирик шаҳарлари Бразилия 1,6 млн., Сан-Паулу 15,4 млн., Рио – де Жанейро 9,8 млн. Белу-Оризонти 2,1 млн Сальвадор 2,1 млн, Форталеза 1,5 млн. киши истиқомат қилади.

Бразилия ва минтақадаги бошқа давлатларнинг яна бир муҳим хусусияти шуки, уларнинг иқтисодиёти хориж сармоясига, биринчи навбатда АҚШ га боғлиқ. Шу сабабли бразилиянинг ташқи қарзи 125 млрд. АҚШ долларни ташкил этади. Бразилия бу қарзни тўлаш у ёқда турсин, ҳатто унинг фоизини тўлашга ҳам қодир эмас.

Мамлакатда 1980 йиллардагина бир қанча ижобий ўзгаришлар рўй берди, хориж сармоясига қарамликдан чиқиш чора–тадбирлари кўрилди ва аста – секинлик билан индустриализация сари йўл тутилди, чунки мамлакат иқтисоди асосан аграр соҳага асосланган эди.

Ҳозирги кунда Бразилия минтақада иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган давлатга айланди. Ялпи ички маҳсулот миқдори 375 млрд. АҚШ долларни ташкил этиб ўнинчи ўринни эгаллайди. ЯММ миқдори 886,3 млрд. АҚШ доллар, жон бошига эса 5580 долларни ташкил этади.

Бразилия кофе етиштириш бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради.

Мамлакатнинг асосий савдо шериклари: АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари, ОПЕК яъни нефть казиб олувчи 11-давлат, Япония, Канада ва Лотин Америкасидаги давлатлардир.

Транспорт воситалари ичида автомобиль асосий бўлиб 1,7 млн. км. автомобиль йўли мавжуд. Темир йўлларнинг узунлиги 30,6 минг км. Асосий денгиз портлари – Парамарибо, Кайенна, Форталеза, Натал, Рио-де-Жанейро, Салвадор, Витория ва бошқалар.

Мамлакат ҳудудининг 60%ни ўрмонлар ташкил этади. Қимматбаҳо турдаги дарахтлар захираси бўйича Бразилия жаҳонда биринчи ўринда туради, аммо улардан унумли фойдаланилмайди. Аҳолининг 42%и хизмат соҳаларида фаолият кўрсатади.

Бразилия туризм соҳаси бўйича жуда катта имкониятларга эга, лекин мамлакатда туризм жуда секинлик билан ривожланмоқда. Бразилия иқтисодиётида хизмат соҳалари нуфузи ортиб бораётган бўлса ҳам, туризм ва у билан боғлиқ тармоқлар суст ривожланмоқда. 2002 йилда мамлакатга 3,8 млн. га яқин хорижий туристлар ташриф буюрган. Лекин 2001 йилга нисбатан 20,7% га ташрифлар сони камайган.

Ўрта даражада ривожланган Бразилия иқтисодиётида бир қанча муаммолар мавжуд. Юқорида таъкидланганидек, бу асосан ташқи қарзлар бўлиб, улар йилдан йилга ошиб бормоқда. Мамлакатдаги бойлик ниҳоятда нотекис тақсимланган. 10% аҳоли қўлида 90% бойлик тўпланган, 40 млн. аҳоли эса қашшоқликка маҳкум

этилган, ишсизлар сони 10 млн. дан ортиқ кишини ташкил этади, 23 млн. аҳоли саводсиздир.

Шунинг учун ҳам мамлакатда туризм индустрияси суст ривожланмоқда.

Бразилия мамлакати халқаро туризм ҳаракатларини иқтисодий таҳлил натижаларини кўрсатишича, жаҳон туристик ташрифларнинг 0,54% ни, Америка минтақасига қилинган ташрифларнинг 3,3%и Бразилия мамлакатига тўғри келади. 2001 йилга нисбатан 2002 йилда хорижий туристлар ташрифи – 20,7% га камайган.

Халқаро туризм тушумлари бўйича, жаҳон туризм даромадларининг 0,65%и, Америка минтақаси тушумлари бўйича 2,7% ни ташкил қилган. 2001 йилга нисбатан 2002 йилда даромадлар миқдори – 16,0% га камайганлиги кузатилган. Ҳар бир хорижий ташриф Бразилия мамлакатига 825 АҚШ долларни ташкил қилган. Жаҳон бўйича бу кўрсаткич 18,2% га юқори бўлган, Америка минтақаси бўйича 20,6%га паст бўлган.

Бразилия туризм бозорини асосан АҚШ, Буюк-Британия, Канада, Германия, Мексика, Франция, Япония, Скандинавия мамлакатлари таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси билан Бразилия федератив Республикаси ўртасидаги муносабатлар эндигина шаклланмоқда. Бу мамлакат бизнинг республикаимизни 1992 йилнинг 26 январ куни тан олган бўлса, 1993 йилнинг апрелидан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Дастлабки Бразилия сайёҳлари Ўзбекистонга ташриф буюрганлар.

Бразилиянинг футбол терма жамоаси беш марта жаҳон чемпиони бўлган (1958: 1962: 1970: 1994: 2002). Бундай юксак натижага дунёнинг ҳеч қайси мамлакат терма жамоаси эришган эмас. Бразилия фуқароси, футбол қироли Пелени ким билмайди дейсиз, кўп футболчиларимиз Пеледай футболчи бўлишни орзу қилишади.

Ўз даврида бозорнинг серқирра йўлини босиб ўтган ва ўтаётган бу мамлакат тажрибасини ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бразилия тажрибасидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзи барча муаммоларни ҳал этмас экан, узоқ йиллар бозор йўлидан боришига қарамасдан бу давлатда юзага келган айрим муаммолар ҳали тугатилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Бразилия билан икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни янада кучайтиришдан манфаатдор.

Чили туризми. Чили Жанубий-Ғарбий Америкада жойлашган давлат. Худуди 756,626 кв.км. Йирик шаҳарлари: Сантьяго (4,3 млн.), Винья - дель-Мар (302 минг), Вальпараисо (276 минг), Талькауано (221 минг), Консепсьон (330 минг). Аҳолиси 14,2 млн. кишига яқин, шундан Креоллар 68%, европаликлар 30%ни, 2,0%ни, ҳиндулар ташкил этади.

Чили худуди Ф.Магелланнинг экспедицияси томонидан 1520 йилда очилган ва Испания мустамлакасига айлантирилган XIX асрнинг бошларида мустақиллик учун кураш кучайди ва 1810 йилнинг 18 сентябрида мустақил Чили давлати юзага келди. Бошқа Лотин Америкаси давлатларидан фарқли равишда бу ерда нисбатан сиёсий мўътадиллик ҳукмрон бўлди. 1973 йил 11 сентябрда Сальвадор Альенде бошлиқ ҳокимият ҳарбий йўл билан афдарилди, ҳокимият тепасига А.Пиночет (1973-1989 йй.) бошчилигидаги ҳарбий хунта келади.

Сиёсий партиялар фаолияти таъқиқланади. Иқтисодий соҳада неолиберал тамойилларга амал қилинади. «Очиқ» иқтисодий сиёсат оқибатда яхши натижалар берди. 1980-йилларнинг бошида «Чили мўъжизаси» тўғрисида гапира бошладилар, чунки, аҳолининг истеъмол даражаси ўрта миқёсда ривожланган мамлакатлар қаторига етиб олганди.

Олиб борилган сиёсат туфайли Чили Лотин Америкасидаги энг ривожланган давлатлардан бирига айланди. Мамлакат эришган ютуқларда либерал сиёсат билан бирга хориж инвестициялари ҳам катта аҳамият касб этди. Хорижий сармояларнинг 34% хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилди. Иқтисодий фаол аҳолининг 60,5% савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатмоқда.

ЯММ 97,7 млрд. АҚШ доллар, жон бошига 7,010 АҚШ долларини ташкил этади. Темир йўллар узунлиги 7,766 км, автомобиль йўллар узунлиги 79025 км, ички дарё йўлларининг узунлиги эса 725 км. асосий денгиз портлари: Икике, Вальпарансо. Асосий савдо шериклари АҚШ, Япония, Буюк-Британия, Германия, Бразилия, сўнгги йилларда Янги индустриал мамлакатлар ва асосан ХХР билан савдо – сотиқ тобора авж олмоқда. Мамлакатда ижобий ўзгаришларга қарамасдан, қашшоқлик масаласи кескин муаммо бўлиб турибди, 44% аҳоли камбағаллик даражасида яшайди.

Халқаро ва ички туризм сустр даражада ривожланмоқда. 2000 йилда бу мамлакатга 1,7 млн. хорижий туристлар ташриф буюргани кузатилган, 1999 йилга нисбатан 6,0% га ўсиш кузатилади. Лекин 2002 йилда 1,4 млн. хорижий туристлар ташриф буюрган. 2000 йилга нисбатан 2001 йилда, 1,1% га, 2001 йилга нисбатан 2002 йилда 18,0% га хорижий туристлар ташрифи камайган.

Бу келтирилган мисоллар мамлакатда туризм соҳасига яхши эътибор қаратилмаганлиги натижаси бўлса керак.

Чили мамлакати халқаро туризм ҳаракатларининг иқтисодий таҳлил натижаларини кўрсатишича, жаҳон туристик ташрифларнинг 0,20%и Америка минтақасига қилинган ташрифларнинг 1,2%и Чили мамлакатига тўғри келади. 2001 йилга нисбатан 2002 йилда хорижий туристлар ташрифи – 18,0% га камайди.

Халқаро туризм тушумлари бўйича, жаҳон туризм даромадларининг 0,15%и, Америка минтақаси тушумлари бўйича 0,6% ни ташкил қилган. 2001 йилга нисбатан 2002 йил даромадлар миқдори 8,2% га камайганлиги кузатилган.

Ҳар бир хорижий ташриф Чили мамлакатада 519 АҚШ долларини ташкил қилган, жаҳон бўйича бу кўрсаткич 23,2% га, Америка минтақаси бўйича 48,0% га паст бўлган. Таҳлил натижалари ҳам Чили мамлакатада туризм индустриясини суст ривожланаётганидан далолат беради.

Чили ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар 1994 йил 15 сентябрда ўрнатилган.

Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 26% турли солиқлар ҳисобига тўлдирилади ва Лотин Америкасида энг юқори ҳисобланади. Ҳукумат кадамма-кадам минимал иш ҳақини ошириб борапти. Инфляция даражаси ҳам анча паст, бу мамлакатда саводхонлик даражаси анча юқори - 89%. Таълим тизими ҳам яхши ривожланган. Етакчи университетлари: Чили, Вальпарасио, Католик.

Чили давлатининг оғир иқтисодий аҳволдан чиқиш ўрнатилган бўлиши мумкин. Уни ўрганиш ва амалда қўллаш катта аҳамият касб этади.

Аргентина туризми. Аргентина Жанубий Американинг жануби-шарқида жойлашган давлат. Ҳудуди 2.778,5 кв. км, аҳолиси 34,3 млн. кишини ташкил этади. Пойтахти Буэнос–Айрес, йирик шаҳарлари: Росарио, Кордова, Мендоса, Ла-Плата. Аҳолининг асосий қисми Испания, Италия, Марказий Европа мамлакатларидан кўчиб келганларнинг авлод-аждоди. Расмий тили – испан тили ҳисобланади.

Бу мамлакат 1816 йилнинг 9 июлида мустақиллигини эълон қилган. Аргентинанинг сиёсий ва иқтисодий тараққиёти ниҳоятда нотекис, айрим силжишлар чуқур инқирозлар билан алмашиб туради. Инқироздан чиқиш учун ҳозирги замон технологияларига асосланган саноат корхоналарини яратиш, хориж сармоясини кўпроқ жалб этиш, ишбилармонликни фаоллаштириш ва бошқа

йўллардан фойдаланилади. Бразилия ва минтақадаги бошқа давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликка катта аҳамият берилди. 1991 йилнинг мартида Аргентина, Бразилия, Парагвай ва Уругвай давлатлари ўртасида жанубий Америка умумий бозори «Меркосур» ташкил этилди. Айни вақтда бу давлат минтақадаги мамлакатлар ичида энг ривожланганидир. ЯММ 207,8 млрд. АҚШ долларни, жон бошига эса 7900 АҚШ долларни ташкил этади, бу кўрсаткич қўшни давлатларникидан деярли икки марта юқоридир. Мамлакат турли – туман табиий – иқтисодий ресурсларга бой. Ўрмон бойликлари жиҳатдан Аргентина Бразилия ва Чилидан кейин минтақада учинчи ўринни эгаллайди. Бу табиий ресурслар туризм соҳасини ривожланиши учун катта имкониятлар яратади. Ички бозорда чет эл компаниялари билан эркин рақобат қилиш имкони яратилган. Натижада 1991 йилда ўсиш суръатлари 6,5% га етди. Шунга қарамасдан мамлакатнинг ташқи қарзлари 62 млрд. АҚШ долларни ташкил қилади.

Мамлакат тараққиётида транспорт воситалари ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Темир йўллар узунлиги 34,1 минг км, автомобиль йўллари узунлиги 54,6 милн. км. ни ташкил этади. Йирик денгиз бандаргоҳи Буэнос-Айрес бўлиб, кемаларда дунёнинг исталган жойига бориш имкони бор, 4 та халқаро авиалиния мунтазам ишлаб туради, 10 та халқаро аэропорт мавжуд.

Бу давлатда савдо, айниқса хориж мамлакатлари билан кенг йўлга қўйилган. Савдодаги асосий шериклари Фарбий Европа мамлакатлари, АҚШ, Япония ва Бразилия.

Мамлакатда 200 та радиостанция, 60 дан ортиқ телемарказлар фаолият кўрсатади. Давлат ахборот агентлиги ва иккита хусусий агентлик иш юритади.

Мамлакатда туризмни ривожлантириш имкониятлари катта бўлишига қарамасдан, туризмни ривожлантириш учун барча имкониятлар ишга солинмаган. Ялпи миллий маҳсулотнинг 1,0%га яқини туризм соҳасига тўғри келади. Мамлакатда туризм индустриясини ривожланиши суст даражада амалга

оширилмоқда. Мамлакатда 2000 йилда энг юқори кўрсаткичга эришилган, яъни 2,9 млн. хорижий туристлар ташриф буюрган, 1999 йилга нисбатан 0,4% га ўсиш кузатилган. 2001 йилда 2000 йилга нисбатан 9,9% га, пасайиш кузатилган.

Аргентина туризм бозорини асосан Фарбий Европа мамлакатлари, Буюк – Британия, Германия, Австралия, Янги Зеландия, АҚШ, Япония, Канада, Мексика, Франция, Скандинавия мамлакатлари таъминлайди.

Аргентина мамлакати халқаро туризм ҳаракатларининг иқтисодий таҳлил натижаларини кўрсатишича, жаҳон туристик ташрифларнинг 0,4%и, Америка минтақасига қилинган ташрифларнинг 2,4%и, Аргентина мамлакатига тўғри келади. 2001 йилга нисбатан 2002 йилда хорижий туристлар ташрифи 7,6% га кўпайган.

Халқаро туризм тушумлари бўйича, жаҳон туризм даромадларининг 0,46%и, Америка минтақаси тушумлари бўйича 1,9%ни ташкил қилган. 2001 йилга нисбатан 2002 йилда даромадлар миқдори 2,0% га ўсганлиги кузатилган.

Ҳар бир хорижий ташриф Аргентина мамлакатада 800 АҚШ долларни ташкил қилган, жаҳон бўйича бу кўрсаткич, 18,5%га юқори бўлган, Америка минтақаси бўйича 24,4% га паст бўлган.

Аргентина Ўзбекистон Республикасини 1991 йилнинг 24 декабрида тан олади ва 1993 йилнинг 9 сентябридан бошлаб дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Хулоса

Халқаро туризм ривожланишини таҳлил қиладиган бўлсак Америка минтақаси хорижий туристик ташрифлар бўйича Европа минтақасидан кейинги иккинчи ўринда туради. Асосий туризм ҳудудлари Шимолий Америка, Марказий Америка, Жанубий Америка ва Кариб ороллари ҳисобланади. Минтақа бўйича хорижий ташрифларнинг яrimi Америка Қўшма Штатлари ва Канада мамлакатларига тўғри келади. Америка Қўшма Штатлари, Канада ва Мексика мамлакатлари Америка минтақасининг асосий туризм марказлари ҳисобланиб,

уларнинг туризм бозорини асосий қисмини Шимолий Америка мамлакатлари таъминлайди. Минтақада халқаро туристик ташрифлар ва халқаро туризм тушумлари бўйича биринчи ўринда Америка Қўшма Штатлари туради. Минтақага қилинган хорижий ташрифларнинг 35-50%и, халқаро туризм тушумларининг 50-60%и Америка Қўшма Штатлари мамлакатига тўғри келади. Минтақа бўйича иккинчи ўринда Кариб ороллари туради, бу ҳудудга йилига 12-15 миллион туристлар ташриф буюради. Жанубий Америка мамлакатларида нисбатан туризм кам ривожланган умумий туристик ташрифларнинг 9-10%и тўғри келади. Бунга асосий сабаб сиёсатнинг бекарорлиги, ва иқтисодий ривожланишнинг нотекислиги бўлиши мумкин.

Умуман олганда Америка туризми Европадан кейинги асосий туристик марказлигини кўриб ўтдик. Бунинг асосий сабаби минтақа иқтисодининг юксак даражада ривожланганлигидир.

Назорат учун саволлар

1. Америка минтақасини асосий туризм марказларини ўзига хос хусусиятларини тушинтириб беринг?
2. Жанубий Америка мамлакатларида нима учун халқаро туризм кам ривожланган?
3. Америка минтақаси туризм бозорини таъминловчи асосий мамлакатлар?
4. Америка минтақасида 2001-2002 йилларда хорижий ташрифларнинг пасайганлиги кузатилган сабабларини тушинтиринг?
5. АҚШ мамлакати ҳудудий жиҳатдан уч қисмга бўлинади, қайси қисмларга бўлинади?
6. АҚШда халқаро туризм асосан қайси штатларда ривожланган?
7. АҚШдаги қайси шаҳар замонавий маданият ва бизнес маркази сифатида дунёга машхур?

8. Флорида штати нечанчи йилдан бошлаб улкан туристик марказга айланди?
9. АҚШда қайси порт Америка Круиз йўловчилари учун дарбоза ҳисобланади?
10. АҚШда қайси штат халқаро туризмнинг асосий марказларидан бири бўлиб ҳисобланади?
11. Европа минтақасидаги қайси мамлакат фуқаролари АҚШга кўпроқ саёҳатлар уюштирадilar?
12. Япониялик сайёҳлар АҚШнинг қайси оролларига кўпроқ ташриф буюрадilar ва нима учун?
13. Жаҳон туризм ташрифларининг неча фоизи АҚШга тўғри келади?
14. Америка минтақасига қилинган ташрифларнинг неча фоизи АҚШга тўғри келади?
15. Жаҳон халқаро туризм тушумларининг неча фоизи АҚШга тўғри келади?
16. Канада мамлакати туризм бозорини таъминловчи асосий мамлакатлар?
17. Америка минтақасига қилинган хорижий ташрифларнинг неча фоизи Канада мамлакатига тўғри келади?
18. АҚШ конгресси томонидан нечанчи йилда миллий парклар хизмати ташкил этилган, уларни вазифалари нималардан иборат?
19. «Банф» миллий паркига қачон асос солинган ва у қаерда бунёд этилган?
20. Канада мамлакати «Миллий парк» лари тўғрисидаги қонуни ва унинг мазмуни нималардан иборат?

Адабиётлар

1. Чудновсий А.Д., Жукова М.А., Сенин В.С. Управление индустрий туризма. -М: Финансы и статистика. 2004. -437 с.
2. Чудновсий А.Д., Жукова М.А., Сенин В.С. Управление индустрий туризма. -М: Финансы и статистика. 2004. -437 с.
3. Lundberg D., Krishnamurthy M. – Tourism Economics. New York: John Wiley Sons Inc. 2003. -210 p

4. Норчаев.А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири. и.ф.н. дисс. –ТДИУ, 2004. -130 б.
5. Основные показатели развития туризма в 2003 г. ВТО. –Мадрид, 2004. 30 стр.
6. www.world-tourism.org – Всемирная туристская организация
7. www.tag-group.com – Консультативная группа по вопросам туризма (TAG)

VI-боб. АФРИКАДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИ

6.1. Африка минтақаси туризмнинг ривожланиш ҳолати

6.2. Африка минтақаси туризми ривожланиши динамикаси

6.3. Африканинг етакчи мамлакатларида халқаро туризмнинг ривожланиши

6.1. Африка минтақаси туризмнинг ривожланиш ҳолати

XX-аср бошига келиб бутун Африка мустамлака материгига айланди ва бу ҳол кўп жиҳатдан ҳамма соҳаларда қолоқ бўлиб қолишини белгилади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мустамлакачилик тизими қадамма-қадам тугатила борди ва ҳозирги кунда минтақада 55 мустақил мамлакатлар мавжуд. Буларнинг деярли барчаси озодликка эришган мамлакатлар қаторига киради. Жанубий Африка республикаси иқтисодий ривожланган мамлакатлар тоифасига киради. Африка ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича бошқа минтақалардан анча орқада. Бунинг устига бу қолоқлик ҳатто ҳозирги кунда ортиб бормоқда.

Африка мамлакатларининг кўпчилиги ҳудудига кўра Европа мамлакатларидан йирикдир. Африка минтақасида ҳудудига кўра энг катта мамлакат Судан (2,5 млн кв. км.) ҳисобланади. У Европа мамлакатларининг энг каттаси бўлган Франциядан 4-5 баравар катта. Жазоир, Зоир, Ливия, Ангола, Эфиопия, Жар ҳам майдонига кўра Франциядан 2-3 баравар катта. Африка минтақасида ер ресурслари анча катта бўлишига қарамасдан ер ости бойликлари, фойдали қазилмалари, сув ресурслари ниҳоятда нотекис тақсимланган, бундай ҳолат Африка минтақаси мамлакатларини ривожланишига катта тўсқинлик қилади.

Африка ер юзидаги «энг иссиқ материк», бинобарин у иссиқлик ресурслари билан жуда яхши таъминланган. Бироқ материк ҳудуди бўйлаб сув ресурслари ниҳоятда нотекис тақсимланган. Бундай ҳолат қишлоқ хўжалиги ва бошқа

соҳаларининг ривожланишига ва умуман аҳолисининг ҳаётига жуда катта салбий таъсир кўрсатади.

Африка минтақаси аҳолисининг этник таркиби билан боғлиқ муаммолар ҳам талайгина ва жуда хилма-хилдир. Этнограф олимлар материкда 300 дан 500 тагача этносни, яъни халқ, қабила, қавм, уруғ элат ва ҳаказоларни ажратадилар. Уларнинг айримлари айниқса Шимолий Африкада, йирик миллатга айланиб бўлдилар, бироқ кўпчилиги ҳамон элат ва қабила даражасида қолиб келмоқдалар; бунинг устига кўп жойларда уруғ-қабилачилик тизимини қолдиқлари сақланиб келмоқда.

Африканинг озодликка эришган мамлакатларида илгари, яъни мустамлакачилик давридаги чегаралар ҳамон сақланиб келмоқда: ваҳоланки, улар бир вақтлар аҳолининг этник хусусиятларини ҳисобга олмай ўтказилган эди. Бунинг натижасида кўплаб яхлит халқлар давлат чегарасининг икки томонида қолиб келмоқда. Бу ҳол ҳануз этнослараро зиддиятлар ва ҳудудий ихтилофларга сабаб бўлмоқда, улар кўпинча ҳарбий тўқнашувларга, «этник қочоқлар» сонинг кўпайиб кетишига олиб келмоқда. Ўтмиш сарқитларидан яна бири шуки, ҳануз кўпчилик Африка мамлакатларида давлат тили собиқ метрополииялар тили, яъни инглиз, Француз, Португал тиллари бўлиб қолмоқда.

Юқорида кўриб ўтилган жиддий муаммолар минтақада нафақат халқаро туризмни бошқа соҳаларни ҳам ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Африка жуда катта табиий ва аҳоли салоҳиятига қарамай, ҳамон дунё хўжалигининг ҳамма соҳалари бўйича энг қолоқ қисми бўлиб келмоқда. Бинобарин, минтақа ҳозирги ривожланиш босқичининг бош вазифаси ижтимоий-иқтисодий туб ўзгаришларни жадаллаштириш орқали, мураккаб муаммоларни ўз вақтида ҳал этишдан иборатдир.

Àôðëèà îèîàkàñèäà áíøkà ñíxàëàð èäàè ðàëkàðî îóðëè çàì îèxíàòäà ñóñò äàðäæääà ðèâèæèáíîkää ñè,ñèé áåqàðððëík, îèèèàðèäàðî äà æèèé çèääèüðèä ðîðèæèé ñàé,xèäðîèâ îèîàkàäà áýèäàí kèçèkèèèäèèè îàüèóí äàðäæääà îàñàèèèðîkää.

Африкага ташриф буюрган туристлар сони ва пул тушумлари дунё миқёсида жуда паст кўрсаткичда ривожланмоқда. 1970 йилдаги жуда паст кўрсаткич 2.4 млн. киши. 2000 йилга келиб туристлар сони 27,3 млн. 11 баробар, пул тушумлари эса 1998 йилда 10 млрд. долларга деярли 25 баробар ўсди. 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ташрифлар сони ва пул тушумлари ўртасида фарқлар сезилмоқда. Ташрифлар фарқли равишда, пул тушумлари ўзгарувчан ва у 90-йиллар бошида кескин тушиб кетган. Африка ҳалқаро туризмнинг ривожланишига турмаҳсулот нарҳини қимматлиги тўсқинлик қилаётганди. Қитъа шимолида Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган давлатларнинг унча қиммат бўлмаган оммавий туризмга мослаши бу муаммони ҳал этишга хизмат қилмоқда. Минтақага келган туристларни ярмидан оритиғини Марокаш ва Тунис каби Шимолий Африка миқёсида ташрифлар сони 45% ни, битта туристдан тушган пул тушуми эса 300 доллардан ортиқдир.

Ҳозирги шароитда пляж туризми Ғарбий Африкада тезликда ривожланиши натижасида молиявий тушумлар кескин ошиб ҳар бир туристдан 900 долларгача олинмоқда.

Охирги ўн йилликда Африка экспортида туризм 80-йилларда 5% ни ташкил этган бўлса, 90-йиллар ўртасида 10,5% га етди. Лекин умуман олганда Африкада ҳалқаро туризм ортда қолмоқда, чунки минтақа давлатларнинг иқтисодиётини яхши ривожланмаган. Улар самарали инфраструктурага эҳтиёж сезилмоқда. Бунинг учун эса зарур молиявий воситалар етмаяпти.

Африка минтақаси туризм бозорини генератори бўлиб Африка минтақаси мамлакатлари ҳисобланади. Умумий хорижий ташрифларнинг 56,0%и Африка минтақаси мамлакатларига туғри келади. Африка минтақаси туризм бозорини

асосан Европа мамлакатлари таъминлар эди. «Чўлдаги бўрон» уруши таъсирида Европа мамлакатларидан ташриф буюрувчи хорижий туристлар 51% дан 34,1% га камайганлиги кузатилади. Америка минтақаси мамлакатларининг ташрифлари 5,3% дан 2,9% гача камайганлиги кузатилади. Осиё ва Тинч Океани минтақаси мамлакатларининг ташрифлари аксинча 1,4% дан 1,5% гача, Яқин-Шарқ минтақаси мамлакатлари ташрифлари 2,4% дан 5,1% гача кўпайганлиги, жанубий Осиё мамлакатларининг ташрифлари 0,6% дан 0,3% гача камайганлиги кузатилади.

Африка минтақасининг 2000 йилдаги кўрсаткичлари ҳам халқаро туризмни сезиларли даражада ривожланмаганлигидан далолат беради. Халқаро туризм ҳаракатлари минтақада атиги 3,7% га ўсганлиги кузатилган.

Шундай бўлсада, Кения, Замбия, Маврикия, Морокко, Тунис ва Жазоир давлатларида ўсиш кузатилади.

6.2. Африка минтақаси туризми ривожланиши динамикаси

Африка минтақаси туризми ривожланиши динамикаси барқарор эмас, бунинг асосий сабаблари юқорида таъкидлаб ўтилганидек, баъзи бир ҳудудлардаги пасайиш минтақа умумий туризм кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади, яъни Марказий ҳамда Жанубий Африка ҳудудларида хорижий ташрифлар камайганлиги кузатилган. Хусусан, Зимбабведа хорижий туристлар ташрифи. 11,1% га камайиб кетганлиги кузатилган.

6.2.1-жадвал

Африка минтақасида халқаро туризмнинг ривожланиш динамикаси

Йиллар	Хизмат курсатилган туристлар. млн киши.	Йиллик ўзгариш % да	Даромад. млрд. АҚШ доллари	Йиллик ўзгариш % да
1990	14.993	8,88	5.238	17,6

1991	15.842	5,66	4.830	-7,79
1992	17.552	10,79	5.855	21,22
1993	17.875	1,84	6.364	8.69
1994	18.477	3,37	6.564	3,14
1995	19.017	2,92	6.980	6,34
1996	19.454	2,2	7.622	9,2
2000	27.400	3,3	10.820	8,7
2001	28.300	3,2	11.666	7,8
2002	29.100	2,8	11.785	1,0

Манба: Основные показатели развития туризма в 2003 году. ВТО

Жадвал маълумотлари ҳам Африка минтақасида хорижий сайёҳлар ташрифини камлигини, Халқаро туризми тушумлари миқдорини пастлигидан далолат беради (5.2.1-жадвал).

2002 йилда жаҳон халқаро туризм ташрифларининг 4,1%и жаҳон туризм тушумларининг 2,4%ини ташкил қилган.

1970 йилдан 1980 йилларгача хорижий ташрифлар ва тушумлар миқдори бўйича сезиларли даражада ўсиш кузатилган. 1985-90 йилларда ривожланиш суръатлари пасайган, 1991-96 йилларда эса ташрифлар сони ўсганлиги билан, тушумлар миқдори пасайиб кетган. Хорижий ташрифлар жаҳон халқаро туризм ҳаракатларининг 3,3%ини, тушумлар миқдори бўйича эса 1,8% ни ташкил қилган. Охирги йилларда Африка минтақасининг шимолий ҳудудларида, Ўрта ер денгизи жанубий қирғоқларида оммавий туризмга эътибор қаратилганлиги муносабати билан 2000 йилларга келиб бир мунча ижобий силжишлар кузатилади. 1996 йилда минтақага 19,4 млн хорижий туристлар ташриф буюрган бўлса, 2000 йилга келиб уларнинг сони 27,4 млн кишига етади. Яъни ташрифлар 1,4 мартага ошади. Туризм тушумлари минтақада 8,7% га кўпайиб, жаҳон туризм тушумларининг 2,28% ни ташкил этади. Африка минтақасига ташриф буюрган хорижий туристларнинг асосий қисми Франция, Германия. Буюк-Британия

мамлакатлари аҳолисига тўғри келади ва умумий хорижий ташрифларнинг 20% ни ташкил қилади.

6.2.2-жадвал

**Африка минтақалари бўйича 1990-2002 йилларда
халқаро туристик ташрифлар**

Худудлар	Туристик ташрифлар млн. киши					Йиллик ўзгариш % да	
	1990	1995	2000	2001	2002	2001/2000	2002/2001
Шимолий Африка	8,4	7,3	10,1	10,6	10,3	4,8	-2,4
Ғарбий Африка	1,4	1,9	2,6	2,7	2,9	4,9	7,4
Марказий Африка	0,4	0,4	0,7	0,7	0,7	0,0	0,0
Шарқий Африка	2,8	4,5	5,9	6,2	6,3	6,0	1,6
Жанубий Африка	2,0	6,0	8,1	8,1	8,9	0,0	9,8
Африка минтақаси бўйича	15,0	20,1	27,4	28,3	29,1	3,2	2,8

Манба: Основные показатели развития туризма в 2003 году. ВТО

Африка минтақаси бўйича энг кўп хорижий меҳмонлар шимолий Африка худудига ташриф буюрадилар. Асосий ташрифлар Марокаш ва Тунис мамлакатларига тўғри келади. Африка минтақасига қилинган ташрифларнинг 45%га яқини ушбу мамлакатларга тўғри келади, бу мамлакатларга қилинган ҳар бир хорижий ташриф 300 АҚШ долларни ташкил қилади.

Ғарбий Африка худудига Кения, Мавритания, Танзания, Сейшель ороли ва Зимбабве мамлакатлари туризм соҳасида ўзларининг табиий ресурсларидан унумли фойдаланиб келмоқда.

Африка минтақасининг жанубий худудига энг яхши туристик марказ бўлиб, Жанубий Африка мамлакати ҳисобланади. Марокаш ва Тунис мамлакатлари каби Жанубий Африка мамлакати хорижий ташрифлар ва тушумлар миқдори бўйича минтақанинг жанубий худудига биринчи ўринда туради.

Африка минтақасида, Жанубий Африка мамлакати юқори даражада ривожланган меҳмонхона хўжалигига ва транспорт тизимига, ҳамда замонавий халқаро туризм индустриясига эга бўлганлиги сабабли, минтақада энг юқори кўрсаткичга эришган. Минтақага қилинган хорижий ташрифларнинг 22,5%и, халқаро туризм тушумларининг 23,1% Жанубий Африка мамлакатига тўғри келган. Ҳар бир туристик ташриф 415 АҚШ долларни ташкил қилган. Минтақа бўйича ҳар бир туристик ташриф ўртача 405 АҚШ долларни ташкил қилган. Минтақага нисбатан Жанубий Африка мамлакатидан +2,5% га ижобий ўзгариш кузатишган.

Шимоли Африка ҳудудида жойлашган Марокаш ва Тунис мамлакатларига минтақа бўйича умумий ташрифларнинг 40,0%и тўғри келган, 2000 йилга нисбатан 2001 йилда бу мамлакатларда хорижий ташрифлар бўйича ўсиш кузатишган, 2002 йилда 2001 йилга нисбатан эса 6,0% га пасайиш кузатишган.

Халқаро туризм тушумларининг 30,3% бу мамлакатларга тўғри келган, лекин 2001 йилга нисбатан 2002 йилда тушумлар миқдори 11,4% дан 14,8% га пасайганлиги кузатишган. Ҳар бир туристик ташриф ўртача 386 АҚШ долларни ташкил қилган. Минтақага нисбатан бу мамлакатларда - 4,9% га салбий ўзгариш кузатишган яъни минтақа кўрсаткичларидан паст бўлган.

Умуман Африка минтақаси жаҳон туризм ҳаракатларининг ривожланиш даражасидан анчагина орқада қолмоқда, чунки минтақадаги кўпгина мамлакатлар иқтисодий ривожланмаган. Молиявий маблағларнинг етишмаслиги натижасида таъсирчан инфратузилмага эга эмаслиги сабабли, халқаро туризм ҳаракатларининг ривожланиши суст даражада.

Африка минтақасига 2002 йилда 29,1 млн. туристлар ташриф буюрган, жаҳон туризм ҳаракатларининг 4,1% ни ташкил қилган. 2000 йилга нисбатан 2001 йилда 3,2% га, 2001 йилга нисбатан 2002 йилда эса 2,8% га ўсиш кузатишган. Халқаро туризм тушумлари 11,8 млрд АҚШ долларни ташкил қилган, жаҳон туризм

тушумларининг 2,48%и Африка минтақасига тўғри келган. Туризм тушумлари 2000 йилга нисбатан 2001 йилда 7,8% га 2002 йилда 2001 йилга нисбатан 1,0% га ўсганлиги кузатилган. Африка минтақасига қилинган ҳар бир ташриф ўртача 405 АҚШ долларни ташкил қилган.

6.3. Африканинг етакчи мамлакатларида халқаро туризмнинг ривожланиши

Жанубий Африка Республикаси (ЖАР). Жанубий Африка республикаси (ЖАР) Африка қитъасининг жанубида жойлашган давлат. Худуди - 1 млн. 225 минг 315 кв.км. Аҳолиси 43,5 млн. киши, 75%и қора танлилар, 14%и оқ танлилар, қолганларини Осиё қитъасидан чиққан аҳоли ташкил этади. Йирик шаҳарлари Претория, Кейптаун, Дурбан, Йоханнесбург, Порт-Элизабет. Маъмурий-худудий жиҳатдан мамлакатда кейинги даврда анча ўзгаришлар рўй берган ва 9-провинцияга бўлинган: Оттент, Шимолий Трансвааль, Шарқий Трансвааль, Шимолий Фарб, Квазула (Натал), Фарбий Бурун, Шимолий Бурун, Эркин худуд. Айрим провинциялар ҳатто ўз пойтахтларига ҳам эга. Жанубий Африка республикаси 1910 йил 31 майда мустақилликка эришган, унгача Буюк-Британия мустамлакаси бўлган. Расмий тили инглиз ва африка тили. Миллий байрами 31 май республика эълон қилинган кун. Республика 1961 йили эълон қилинган, 1984 йили кучга кирган. Бу мамлакат кўп йиллар давомида мустамлака асоратида бўлган. 1652 йили Голландия бу ўлкани эгаллаб олиб Кан мустамлакасини барпо қилган эди. 1806 йилга келиб бу ўлка Буюк - Британия томонидан забт этилади. Мустамлакага айланган бу юртнинг маҳаллий аҳолиси ва бурлар 1820 йилга келиб қитъанинг ички худудларига кўчирила бошланади, ҳамда бир қанча мустақил давлатлар барпо этилади. Буюк - Британия 1843 йилда Наталь худудини аннексия қилади.

Кейинчалик янги ташкил бўлган мустақил давлатлар билан мустамлакачилар ўртасида бир неча бор урушлар бўлиб ўтади.

1899-1902 йиллари тарихда Англия - Бурлар уриши, деб ном олган кураш натижасида Трансвааль, Оранж эркин давлатлари ҳам мустамлакага айлантирилади. Янги эгалланган ҳудудлар 1910 йили Кан мустамлакаси билан бирга Жанубий Африка Иттифоқига бирлаштирилди ва Британия ярим мустамлакаси вужудга келди. Мустамлака йиллари маҳаллий аҳолини ҳар томонлама камситиш сиёсати амалда қўлланилиб, қора танли аҳолини сиқиб чиқариш ва алоҳида махсус бантустанларда жойлаштириш сиёсати амалга оширилди. 1961 йили Жанубий Африка республикаси ташкил бўлиб, Буюк - Британия бошчилигидаги ҳамдўстликдан чиқади. Аммо ҳокимият фақат «оқ танлилар» қўлига берилади. Оқибатда узлуксиз курашлар давом этиб, 1992 йили барча ирқчилик қонунлари бекор қилинди. 1994 йили эркин умумий сайловлар бўлиб, ҳокимият тепасига маҳаллий аҳоли вакили келади.

Жанубий Африка республикаси қитъадаги энг ривожланган мамлакат бўлиб, индустриал аграр давлатлар гуруҳига киради. Лекин бу давлатда юксак ривожланган саноат юқори технология ва инфратузилма билан бирга қолок, хом ашё экспортига мос ишлаб чиқариш шакллари ҳам сақланган.

Жанубий Африка республикасини иккиёқлама иқтисодли мамлакат деб аташ мумкин, чунки унда иқтисодий ривожланган мамлакатларининг ҳам, ривожланаётган мамлакатларнинг ҳам хусусияти бирдай уйғунлашган. Африканинг Сахрои Кабирдан Жанубда жойлашган мамлакатлари орасида Жанубий Африка республикаси алоҳида ўрин тутди. Биринчидан, у географик ўрнига кўра Тропик Африкага крмайди. Иккинчидан, у ривожланаётган мамлакатлар қаторига ҳам крмайди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, у Африка материгидаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган бирдан - бир мамлакатдир. У иқтисодий ривожланишнинг барча кўрсаткичлари бўйича Африка минтақасида биринчи ўринда туради.

ЖАР да Африканинг энг йирик саноат райони - Витватерсранд шаклланиб, уни кўпинча, «Африка рури» деб атайдилар. Унинг пойтахти - Йоханнесбург, катта замонавий шаҳар мамлакатнинг иқтисодий пойтахти ҳисобланади.

Мамлакатнинг асосий бойлиги тоғ - кон саноатида яратилади: олтин, платина, олмос, хром, ванадий захиралари ва уларни казиб олиш бўйича жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаган, олтин казиб олиш бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради. Аҳолининг 35% саноатда, 32% хизмат кўрсатиш соҳаларида, қолганлари эса қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатади.

Ялпи ички маҳсулот миқдори йилига 171 млрд. АҚШ долларга тенг бўлиб, 40%и индустрия соҳасига, 8,2%и транспорт ва алоқа соҳасига, қолган қисми хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга тўғри келади. Мамлакат ривожига хос муҳим хусусият, бу хориж сармояларининг иқтисодиётда етакчи ўринда эканлигидир. Энг йирик сармояларни Буюк Британия, Германия, Франция компаниялари жойлаштирган.

ЯММ - 194 млрд АҚШ доллари, жон бошига 4420 АҚШ долларни ташкил этади. Темир йўллар узунлиги 20,6 минг км, автомобил йўллар узунлиги 188,4 минг км. ни ташкил этади. Асосий портлар Дурбан, Кейптаун, Порт - Элизабет. Ташқи савдо айланмаси ижобий сальдога эга. Асосий савдо шериклари Буюк-Британия, Германия, Италия, АҚШ, Япония яъни индустриал ривожланган мамлакатлар.

Мамлакат даромадида халқаро туризм катта ўринни эгаллайди, туризм соҳасида йилга 2,7 млрд АҚШ доллар бойлик бюджетга тушади.

Ялпи ички маҳсулотнинг 1,6%и туризм соҳасида яратилади. Ялпи миллий маҳсулотнинг 1,39% ни халқаро туризм тушумлари ташкил этади.

Жанубий Африка республикасининг маданий мероси жуда катта. Бу мерос халқ ижоди, яъни фальклорни, жуда қадимги девор ёзувларини ёзиш анъаналарини сақлаб қолган амалий декоратив санъатни ўз ичига олади, ўзининг мусиқа маданиятига, ашула ва ракс услубларига, мусиқа асбобларига эга ва уларни сақлаб келмоқда. Қадим замонлардан бери турли хил театрлаштирилган томошалар ва турли хил сайиллар ўтказилиб келинади.

Жанубий Африка республикаси Африка минтақасининг энг яхши туризм марказларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мамлакат юқори сифатли яхши жиҳозланган меҳмонхона индустриясига ҳамда транспорт воситаларига эга. Африка минтақасида охириги йилларда Жанубий Африка республикаси энг замонавий халқаро туризм индустриясига эга бўлган ягона мамлакат сифатида танилган.

Хорижий ташрифлар сони ва халқаро туризм тушумлари миқдори бўйича Африка минтақасида биринчи ўринда туради. 2002 йилги жаҳон туризм ташкилотининг статистик маълумотлари бўйича Африка минтақасига қилинган ташрифларнинг 22,5%и, Африка минтақаси бўйича халқаро туризм тушумларининг 23,1%и Жанубий Африка республикасига тўғри келади. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, Африка минтақаси мамлакатлари ичида Жанубий Африка республикаси туризм соҳасида ривожланиш даражаси юқори эканлигидан далолат беради (5.3.1-жадвал).

Жанубий Африка республикаси халқаро туризм ҳаракатларининг иқтисодий таҳлил натижаларини кўрсатишича, жаҳон туристик ташрифларнинг 0,9%и, Африка минтақаси мамлакатларига қилинган ташрифларнинг 22,5% Жанубий Африка республикасига тўғри келган. 2001 йилга нисбатан 2002 йилда хорижий туристлар ташрифи 10,9%га кўпайган.

Халқаро туризм тушумлари бўйича жаҳон туризм даромадларининг 0,6% и, Африка минтақаси тушумлари бўйича 23,1% ни ташкил қилган. 2001 йилга нисбатан 2002 йилда даромадлар миқдори 8,7% га ўсганлиги кузатилган.

Ҳар бир хорижий ташриф Жанубий Африка республикасида 415 АҚШ долларни ташкил этган. Бу кўрсаткич жаҳон бўйича 62,6% га паст бўлган, Африка минтақаси бўйича 2,5% га юқори бўлган.

Тунис. Тунис Шимолий Африка ҳудудида жойлашган мамлакат. Африка минтақасига қилинган хорижий ташрифларнинг ярмидан кўпроғи Шимолий Африка ҳудудига тўғри келади. Бу ҳудудида жойлашган Тунис ва Марокаш мамлакатлари Африка минтақасига қилинган умумий хорижий ташрифларининг 45% га яқинини ташкил этади.

Туроператорлар ишини муваффақиятли амалга оширишда брошюра ва ташрифномалардан қўшимча ёрдамчи материал сифатида фойдаланиш ма=садга мувофиқдир. Ўзбекистон турмаҳсулотини сотаётган турагентлик ваколатхонасида кўргазмали матнлар, афишалар, кичик деворий газеталар, хал= ҳунармандчилиги предметлари ва рангли расмлар кўргазмасини ўтказиш лозим.

Иккинчи гурушга, мижозларга йўналтирилган барча чора-тадбирларни киритган эдик. Бу гурушдаги масалаларга доир =уйидагиларини кыриб чи=ишимиз мумкин:

- ты\ридан-ты\ри почта алоқаси (маҳсулотни сотиш, хатлар ёзиш, потенциал мижозлар номига жунатилган брошюра ва танишув ташрифномалари илова =илинади);
- сотувни =ыллаб-қувватлашга доир рағбарлантирувчи тадбирлар. Бу тадбир рекламани тўлдиради ва турмаҳсулотлар савдоси ҳажмининг =ис=а муддатда ошишига олиб келади. Шунинг учун Ўзбекистонда хал=аро туризмни ривожлантиришнинг стратегик режаларини амалга ошириш усулларини ишлиб чи=ишда юқорида қайд этилган шолатларни ёдда тутиш керак.

Public relations (жамоатчилик билан ишлаш ёки алоқалар) туристик корхона коммуникация фаолиятининг ажралмас қисмидир. Жамоатчилик билан

муносабатлар турташкilot ва жамоатчилик ўртасида ўзарo шамкорлик алоқаларини шаклантириш, уни сақлаб қолишга йўналтирилган махсус режалаштирилган доимий ҳатти-ҳаракатлардан иборат бўлиши керак.

Бу омилларни назардан четда қолдирмаган ҳолда, жамоатчилик билан муносабатларни =уйидагича ифодалаш мумкин:

- пabлик рилейшнз шам реклама ва сотувни =ыллаб-қувватлаш каби коммуникацияга =аратилгандир;
- реклама ва сотувни =ыллаб-қувватлаш учун =улай муҳит яратиш ва уни сақлаб туришда хизмат =илиш лозим.

Жамоатчилик билан муносабатлар ёрдамида Ўзбекистон миллий турмаҳсулотини хал=арo бозорда ўтказиш воситаларини =уйидагича ташқил =илиш мумкин:

- туристик газета, журналлар учун бериладиган ахборотларнинг аниқлигини ошириш. Мисол учун, TTG (Россия), Golden Apple (Франция) каби газета ва журналлар дунёнинг 50 дан орти= мамлакатига тарқатилади. Туристтик маълумотлар чоп этиладиган газета бизда шам мавжуд бўлиб, “Буюк ипак йили” деб номланади. Бу газетанинг сифатини ошириш ва унинг кўплаб эътиборли нашриётлар билан алоқасини бундан шам кучайтириш чораларини кўриш лозим;
- ўзбек ҳунармандлари, рассомларининг энг яхши асарларини, хал=имизнинг маънавий бойлиги, бетакрор маданияти акс эттирилган асарларнинг кўргазмаларини ташқил этиш ва ҳоказо.

Хал=арo туристларни мамлакатимизга ташрифини оширишда туристик гуруҳлар учун махсус чегирмаларни киритишнинг ашамияти жуда катта. Бунга шунингдек, туристларни ташишида ички ва хал=арo рейслар учун авиачипталарнинг нархини камайитириш ты\рисидаги махсус таклифларни шам мисол килиб келтириш мумкин. Ўзбекистонга келаётган туристларни ташишда

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК устиворликка эга эканлигини ҳисобга олиб, ушбу миллий авиакомпания билан шамкорликда нархларни табақалаштириш масаласига алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлаб ўтиш керак. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК =ис=а ва=т ичида ўзининг юқори сифатли хизматлари ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаши билан жаҳондаги етакчи давлатларнинг авиакомпаниялари билан бемалол рақобатлашиш даражасига етди. Миллий авиакомпания ҳозирда 80 дан ортиқ давлатлар билан шамкорлик алоқаларини ўрнатган бўлиб, аҳолига ва туристларга юксак даражада хизмат кўрсатмоқда, туристларни ташиш билан боғлиқ муаммоларни ечишга ёрдам бермоқда. Ташриф буюраётган туристларни темир йўл ва автобусларда кўрсатилаётган хизматлар қониқтирмаётгани аниқланган бўлиб, бу ҳол бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун туристларга енгил автомашиналарни ижарага беришни йўлга қўйиш ҳақида таклифлар киритилган. Автомобиллар ижарасини ташкил этиш эса асосан чет эл инвестициясига таянган шолда иш кўришни тақозо этади. Автомобил ижараси деярли барча ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, уларда автомобиллар фақат туристлар ёки меҳмонларга эмас, балки тўловга лаёқатли ҳар қандай кишига ижарага берилиши оддий ҳолга айланган. Бу соҳани мамлакатимизда аввал туристлар ва меҳмонларга нисбатан тадбиқ қилишдан бошлаш ижобий натижаларга олиб келиши мумкин.

7.5.1-жадвал

Хорижлик туристларнинг сегментлар бўйича кўрсаткичлари (минг.киши)

№	Кўрсаткичлар	1996 й	2002 й	2005 й. башорат
1	Дипломатлар	31.1	60.3	80.0
2	Бизнесменлар	41.4	90.2	150.0
3	Вакиллар	7.1	20.7	30.0
4	Қариндош-уруғлар	6.3	10.9	20.0
5	Илмий ишлар билан	15.3	20.4	30.0
6	Уқишга	14.3	30.5	60.0
7	Бошқалар	17.2	60.3	90.0
8	Жами хорижлик	150.4	306.0	1000.0

	туристлар.			
--	------------	--	--	--

Манба: «Ўзбектуризм» МК.

Маҳсулотларни ўтказиш каналининг чекланганлиги туризмнинг тижорат соҳасидаги бир қанча йиғилишларни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Авваламбор, шуни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда туризм соҳасида қуйидаги тадбирларни амалга оширишга катта эътибор қаратиш лозим:

- Маҳсулотни ўтказишнинг турли хил каналлари ва воситачилик шакллари аниқлаш мумкинлигини инобатга олган ҳолда, ушбу сотув тизимини тўлиқ таснифлаб чиқиш, янги каналларни зудлик билан ўзгартириш ва керакли маблаҳ билан кечиктирмасдан таъминлаш.
- Воситачиларнинг шаклларига кўра қилинадиган харажатларни тақдир қилиш ва икки томонлама манфаатларидан келиб чиққан ҳолда шамкорликни янада ривожлантириш.
- Воситачиларни таклиф қилинаётган хизматларга нисбатан аниқ ахборотга эга бўлишини ўз вақтида таъминлаб туриш.
- Ташриф буюраётган туристлар орқали воситачиларнинг мавқеи ва аҳамияти таърифидаги фикрларни ырганиш, турли анкета саволларини тузиш.

Миллий турмаҳсулотни бозорда муваффақиятли ўтказиш учун бир томонлама сотув тармоғининг ўзи камлик қилишини юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Маҳсулотни сотишга доир ишлар, агарда улар маҳсулотни ўтказишга доир бошқа ҳатти-ҳаракатлар билан қўшиб олиб борилмаса қўйилган натижага олиб келмаслиги аниқ.

Миллий турмаҳсулотларга халқаро бозорда талаб ортиб бориши республиканинг халқаро майдондаги мавқеи ортиши билан бир вақтда аҳоли учун янги иш ўринларини ташкил қилиш, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялашда ва мамлакат ривожига шиссаси билан алоҳида аҳамият касб этиши билан ажралиб туради.

Ўтган асрнинг 90-йилларида мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистонга жаҳонда қизиқиш янги асрда кучаймоқда, бу қизиқишлар айниқса халқимизнинг бой мероси бўлган тарихий обидаларга, халқ ҳунармандчилигига ва миллий анъаналарга қаратилаган. Бундан келиб чиққан шолда миллий турмаҳсулотни халқ аро бозорда сотувини таъминлашни тақазо этади.

Хулоса

Ўзбекистонда халқаро туризм ривожланиши мамлакатимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларга боғлиқ бўлиб, кейинги йилларда бу соҳага эътибор айниқса кучайиб бормоқда. Мамлакатимиз асосан четдан туристларни қабул қилишга ихтисослашган бўлиб, бу иқтисодиёт учун ижобий ўзгаришни олиб келади. Мамлакатга қанча кўп туристлар жалб қилинса миллий иқтисодиётга керакли бўлган хорижий валюта тушуми ҳам шунча кўп бўлади. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида туризми энг барқарор ривожланаётган республика бўлиб, келажакда имкониятлари бундан катта бўлиши башорат қилинмоқда.

Назорат учун саволлар.

1. “Буюк Ипак Йўли”нинг Ўзбекистон туризмидаги аҳамияти?
2. Ўзбекистонда халқ аро туризмни ривожлантириш учун ҳукумат томонидан қандай қарорлар қабул қилинган?
3. Тарихий ёдгорликларнинг туризм ривожигаги ёрни аниқланг?
4. Ўзбекистонга ташриф буюраётган туристлар сонининг ортиб боришда асосан қандай омиллар етакчилик қилмоқда?
5. Ўзбекистон туризмнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?
6. Маркетинг ва рекламанинг турмаҳсулотни сотишдаги аҳамияти?
7. Туризмда иқтисодий кырсаткичлар деганда нималар назарда тутилади?
8. Нима учун биздаги меҳмонхоналардаги нарх халқ аро стандартлардан юқори?
9. Тошкентда нечанчи йилдан бошлаб Дисней-Ленд фаолият олиб бормоқда?

10. Нима сабабдан айнан тарихий шаҳарларда эркин туристик ҳудудлар ташкил
=илинади?

Адабиётлар

1. Чудновский А.Д., Жукова М.А., Сенин В.С. Управление индустрий туризма. -М: Финансы и статистика. 2004. -437 с.
2. Чудновский А.Д., Жукова М.А., Сенин В.С. Управление индустрий туризма. -М: Финансы и статистика. 2004. -437 с.
3. Lundberg D., Krishnamurthy M. – Tourism Economics. New York: John Wiley Sons Inc. 2003. -210 p
4. Норчаев.А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири. и.ф.н. дисс. –ТДИУ, 2004. -130 б.
5. Основные показатели развития туризма в 2003 г. ВТО. –Мадрид, 2004. 30 стр.
6. www.world-tourism.org – Всемирная туристская организация
7. www.tag-group.com – Консультативная группа по вопросам туризма (TAG)

VIII-боб. ХАЛ+АРО ТУРИСТЛАРГА ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ

8.1. Экскурсияни ташкил этиш тартиби

8.2. Хал=аро туристларга Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарари бййлаб экскурсияни ташкил этиш

8.3. Ўзбекистонда хал=аро туристларга экскурсиялар уюштиришда миллий меросларнинг аҳамияти

8.4. ГИД - таржимон: унинг туристик-экскурсион фирмалар тизимида ўрни ва роли

8.1. Экскурсияни ташкил этиш тартиби.

Туризм экскурсия билан ҳамбарчас бўли=дир. Чунки экскурсия ҳар бир туристик саёҳатнинг фикрий ифодасидир. Одатда экискурсия деганимизда диққатга сазовар жойларни зиёрат =илиш тушинилади, буларга эса, ёдгорликлар, музейлар, муассасалар ва бош=аларни ырганиш форма ва методлари деб биламиз. Экскурсия турли хил былиб =уйидагиларга бўлинади:

1.Экскурсияларни мазмунан =уйидаги синфларга ажратиш мумкун - кўздан кечириш, умумий-обзорли, кўпрежали, мавзумли тематик, тарихий, маданиятшунослик ва бош=а.

2.Қатнашувчилар саставига кўра.

3.Ўтказиш жойлари.

4.Ҳаракатланиш услуби.

5.Ўтказиш формасига кўра бўлинади.

Экскурсиянинг келиб чи=ишининг асосий сабабларидан бири - туризмнинг ривожланиши ва жамият ҳаётида диний зиёратгоҳлар, ҳаж маросимлари билан бўли= тарихнинг оммалашганлигидадир, кейинчалик мураккаб ва кўп хил

хал=нинг эҳтиёжлари (турли хил маданий манбаларга ,тарихий меросларга ва ҳоказо) шаклларга ўзгарди (маънавий қизиқишлар). Шундай қилиб, қизиқиш эҳтиёжнинг аниқловчи омили бўлиб хизмат қилган. Шу маънода экскурсия, жамиятнинг рекреацион-танишиш эҳтиёжларидан келиб чи=иш формаси ва қондириш усули бўлади. Экскурсияларни ривожлантиришнинг асосий сабаблари бўлиб ҳисобланади. Жамият умум таълим савиясини ошганлиги, бўш ва=тни кўпайтириш, индивидуал режа бўйича дам олишни ташкил =илишнинг янги имкониятларнинг пайдо бўлиши аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда туризм экскурсияни тадқиқ =илишнинг =уйидаги турлари ажратилмоқда:

- Сиёсий-(жамиятнинг қайси табақалари, туризм экскурсиясига қатнашмоқда);
- Иқтисодий (туризм ва экскурсиялар и=тисодиёт сифатида «туризм индустрияси»);
- географик (туризм ва экскурсиялар учун территорияларини турга ажратиш ва фойдаланиш);
- ташкилий (туризмни ким бош=араяпти);
- хал=аро-сиёсий;
- тиббий;
- гуманитар.

Агар туризм бўш шароитлардаги (фаолият) ҳаракат тури сифатида юзага чиқса, экскурсия эса ана шу мажхуллик ҳаракатининг ташкил =илиш формасида намоён бўлади. Шундай қилиб, экскурсия туристик саёҳатни асосий тури ҳисобланади.

Экскурсия ҳар-хил мавзулар бўйича синфлантирилади. Экскурсияларнинг асоси бўлиб - ахборот ҳисобланади. Ахборот манбаларини бир неча гуруҳга ажратиш мумкин:

- табиат жисмлари, ландшафтлар, табиатнинг антика хусусиятлари;

- объектлар, диққатга сазовор жойлар ва территориялар;
- миллий-этнографик бойликлар;
- тарихий ашамиятга эга жойлар.

Экскурсия - ҳозирлик экскурсиянинг асосий мазмунини очиб бериш билан боʻли= былган маълумот. Буларга: бевосита (экскурсия, кўргазма объектлари) ва воситали (экскурсовод тексти) маълумотлар киради. Экскурсия учун объектлар танлаш, уларнинг тарихий моцияти ва маданий тарихий қийматига боʻли=. Объектларни ызлаштиришда турли хил тушунчалар пайдо былиши мумкун. Экскурсовод нафақат объектларни кырсатиш, балки уларнинг мазмунини ўз сўзларида очиб бериш керак. Объектни кырсатиш экскурсантларни диққатини жалб =илиш сифатида намоён бўлса, унинг тащилини сўзларида очиб бериши ва яна кўп бош=а ашамиятга жалб этади. Объектнинг кырсатилиши ва унинг бош=алардан хусусиятларига кўра ажратилиши тащил дейилади. Тахлил давомида экскурсантлар объектнинг танилишдан унинг хусусиятларини билиш, сифати, муносабатлари ва кейинчалик чуқурроқ танишиши билан тугайди. Объект тащили уни қисимларга ажратиш тушуниладики, у давомида объект экскурсантлар тарафидан батафсилроқ тасаввур =илинади. Кўрсатиш, тащили ва кузатиш бир йыналишда олиб борилади. Объектни тащил методлари ва кузатиш экскурсия мавзусига боʻли=: объект характери, экскурсияда тутган ырни ва ашамияти, билим даражаси, ишлаш тажрибаси, экскурсантлар қизиқишларига боʻли=, экскурсия билимнинг асосий манбаи былиб сўз хизмат =илади. Экскурсияда асосий ҳикоя формалари былиб: тасвир, кетма-кет санаш ва объектлар ҳа=идаги маълумотларни тушинтириш; характеристика- мазмунли томонларини тушинтириб бериш; тушинтириш-ички боʻли=лик ва богланишлар мазмунини очиб бериш; изоҳлаш =андайдир жараён мобайнида диққатни объект хусусиятларида тўплаш; кырсатма бериш-экскурсовод кўрсатмалари (объект

кузатишни тўри борилиши) билан боли=.

Экскурсия шашарлар-аро, норасмий муносабатлар формаси ҳисобланади. Муносабатлар экскурсия жараёнида юзага келади ва унинг этаплари билан бирга ривожланиб боради: гурушни таништириш, ҳаракат, ҳикоя савол жавоблар бир объектдан иккинчисига ўтиш мустақил кўрсатиш, паузалар. Экскурсия жараёнида муносабатларнинг «Очиқ» характердалиги, социал синфларнинг йи=лиги, ҳар бир киши муносабатининг қамровини кенгайтириш ва х.к. бўлиши мушмидир, экскурсия бу хусусиятларни специфик воситалар ёрдамида етказишни таъминлайди, шундай қилиб аудитория доимий равишда экскурсовод ва объектлар билан ўзаро муносабатда бўлади. Экскурсия эса, ўз ўрнида экскурсовод, объектлар ва экскурсантлар муносабатларининг натижасидир.

Экскурсия давомида аудиторияни ажратувчи ва бирлаштирувчи белгилар пайдо бўлади. Бирлашувчи белгиларга экскурсант ва экскурсовод орасидаги контактнинг мавжудлигини кўриш, эшитиш, умумийлик ҳисси бир бирига таъсир этиш (эмпатия), умумий диққатнинг жалб =илиниши экскурсияга қадар тўпланган одамлар аудиторияни ташкил қилмайди у фақат диққатнинг бир жойга жалб =илинишидан кейингина экскурсовод, аудитория шомоҳанглиги, уларнинг психофизиологик ва ижтимоий шомоҳанглиги шароитида кайфиятнинг яхши бўлиши, уларнинг барчаси экскурсиянинг яхши кечиши учун замин яратади. Маълумки, экскурсантлар тушунчаси турличадир.

Хал=аро туристларга экскурсия хизматини такомиллаширишда тарихий жойларнинг ва давлатнинг ўрни ызига хос роль ўйнайди. «Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг вужудга келиши ва бу ташкилотнинг 1993 йили Бутунжазон туризм ташкилотига аъзо бўлиб кириши Ўзбекистон туризми тараққиётида қўйилган улкан қадам бўлди. Республикада хал=аро туризмни янги бос=ичга кўтариш ва самара билан фаолият кўрсатишга мос келадиган янги шароит ва механизм вужудга келди.

Ўзбекистон тарихида ва айниқса бу йлкада туризм ривожланиши тарихида “Буюк Ипак Йўли”нинг тутган ырни ва мощияти ниҳоятда чексиз.

Бир неча асрлар давомида заминнинг Ғарб ва Шарқида истиомат қилган халқларни Жанубий-Шарқий Осиёдан Ўрта-ер денгизи мамлакатларигача чўзилган ва “Буюк Ипак Йўли” деб ном олган савдо-сотик йили бир-бири билан боғлаб турар эди. Бу йилга “Ипак Йўли” деб ном берилишининг асосий сабаби, бу ердан ташиладиган маҳсулотлар ипак былганлигидандир. Ипак тайёрлаш билан боғлиқ былган сирни Хитой усталари минг йиллар давомида одамлардан яшириб келган эдилар. Аммо “Буюк Ипак Йўли” орқали ташилган маҳсулотлар фақат ипакдангина иборат бўлмай, балки бу йил орқали бронза, чинни, жун, хом ашёлари ва улардан тайёрланган буюмлар ҳам ташилар эди. “Буюк Ипак Йўли” қарийб икки минг йиллик тарихга эга. Бу йил асосан Италиядан Туркия орқали Ироқ ва Эронга борган. У ердан эса Марказий Осиё ҳамда Шимолий Помир орқали Қашқар ва Ёркендгача бориб, бу ерда йил иккига ажралган ҳамда шимол томондан Такла-Макон саҳросини айланиб ўтиб, Лобнор кўли яқинида яна қўшилган ва Хитойга кетган.

Буюк ипак йилида Туркистон шудуди етакчи ролни бажариб келган, у шудуддаги Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Хўжанд, Чоржуй каби атор шаҳарлар ипак йилидаги асосий манзиллар былган. Ўзбекистон ызининг улай географик ырни туфайли бу тарихий йилда марказий ўринни эгаллаган. “Буюк Ипак Йўли” кўп асрлар давомида кишилиқ маданиятининг вужудга келишида катта ўрин тутган.

Немис олими Рихтгофен XX асрга келиб Ипак Йўлининг шон-шухрати маълум даражада ўз мощиятини йиота бошлади деган эди. Эндиликда унинг номи яна тез-тез тилга олинадиган бўлди ва унинг тарихда тутган ырни ҳамда аҳамиятини тиклаш, бу йилда туризмни ривожлантириш каби масадларни мўлжаллаб, 1994 йилнинг октябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва

нуфузли ташкилот Юнеско иштирокида Ўзбекистонда Жаҳон туристик ташкилотининг кенгаши бўлиб ўтди ва кенгаш аъзолари Ипак йўли бўйлаб туризм фаолиятини тиклаш ва ривожлантишга аратилган Самарканд Декларацияси қабул қилинди.

1995 йил июнь ойида Республикамиз Президенти И.Каримов “Буюк Ипак Йўлининг тикланишида Ўзбекистон Республикасининг иштирокини фаоллаштириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” қарор фармонга имзо қилди.

1995 йил октябрида Тошкент шаҳрида “Ипак Йўлида туризм” номи билан биринчи туристик ярмарка ўтказилди. Шундан бери бундай ярмарка ҳар йили ўтказилиб келинмоқда. Бу ярмаркаларда тузилган шартнома ва контрактлар туризмни янада ривожлантириш, Республиканинг туризмга оид имкониятларини самара билан ишга солиш ҳамда “Буюк Ипак Йўли”га хос бўлган қадимги анъаналарни тиклаш бўлида кенг йўл очиб берди.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга аратилган асосий фармон, қарорлар орасида Президентимиз И.А. Каримов томонидан имзоланган “Ўзбекистонда 2005 йилгача туризмни ривожлантириш давлат дастури” тўғрисидаги, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини яратиш бўйича чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда халқаро туризмни янада юқори босқичга кўтаришда 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Туризм тўғрисида қонун” алоҳида ўрин тутади. Бу қонун мамлакатимизда туризмни кучайтириш ва туризмга хизмат қилиши лозим бўлган инфраструктурани вужудга келтириш имконини беради.

Туризмни ривожлантиришга оид фармон ва қарорларни бажариш ва Республикада туризм тараққиёти учун зарур бўладиган улкан имкониятлар мавжудлигидан оқилона фойдалана билиш лозим.

8.2. Хал=аро туристларга Ўзбекистоннинг тарихий шашарлари быйлаб экскурсияни ташкил этиш.

«Олтин Фаргона хал=аси» ёки «Олтин водий» - бу деярли ҳар томондан тоғлар (шимолда - Чотқол, шарқда - Фарғона, жанубда - Олой ва Туркистон) билан ўралган жуда катта пастликдир. Фарғона водийсига (300x150км) бундай ном қадимдан унинг ўзгача флораси туфайли берилган. Водийнинг тоғларидан тушувчи шаршарачалари, ирмоқлари, кичик кўллари, кўп сонли тоғ о=имларига эга былган Сирдарё оқади.

Водий айниқса кўз фаслида чиройлидир, агар унга бирор тепаликнинг чўққисидан назар ташланса, тиллага кўмилган водий дарахтлари баргларининг турли тусларини кўриш мумкин.

Маълумки, Фарғона водийсида қадимги турар жойлар 5-6 минг йил аввал пайдо былган. Хитойликлар фақат милоддан аввалги II асрда давонликлар (фарғоналиклар) га ипак билан савдо =илишга, кейинчалик эса уни Фарғона водийсида етиштиришга имконият беришлари эвазига топган, афсоналарда айтилган анор дарахтлари, анжир, узум, ёнғок, пахта ва бош=а маданий ўсимликларни одамлар бу ерда етиштирганлар. «Фарғона милоддан аввалги VI-IV асрлардан бошлаб жанубий ва жануби-ғарбий цивилизациялар билан маданий алоқада былган ва интеграцион савдо тузумига кирган» деган А. Анарбаевнинг таҳмини бор. Аммо у на форс, на юнон манбаларда берилмаган. У мустақил давлат былган деб таҳмин =илиш мумкин.

Хитойни Ўрта ер денгизи билан бирлаштирган, кейинчалик эса тармо=лари бутун Марказий Осиё быйлаб тарқалган Оврўпани шимолий, жанубий, шарқий ва жануби-шарқий мамлакатлари билан илк ўрта асрларда боғлаган Буюк Ипак йили милоддан аввалги II асрда Фарғона водийсидан ўта бошлаган.

Довон ўз чиройи ва бойликлари билан қадимги ва илк ўрта асрнинг кўпчилики

босқинчиларини ызига тортар эди. Аммо мағрур ва эркесвар довонликлар ҳар доим мустақил яшаб келганлар.

Милоддан аввалги II асрнинг охирида Фарғона асосий транзит йил эди. Мунчоқ тепа қабридан олинган археологик топилмалар бунга далил бўла олади.

Араб босқинидан сўнг савдо-сотик =илиш ва=тинчалик қийин бўлиб қолади. Аммо сиёсий барқарорлик ва Самарқанд давлати ташкил топганидан сўнг қадимий трасса қайта жонланади. Ибн-Хордадбех Самарқанддан Хўжанд орқали Баб (Поп) шашрига Ахсикентга, ундан Қува, Ош, Ўзганд (Ўзган), Атбош орқали ат-Туббатга ва Юқори Нушаджон (Шар=ий Туркистон)га бўлган йилни тасвирлайди.

Савдо-хунармандлик алоқаларининг ривожланиши натижасида Шарқ, Ғарб ва Жанубнинг кўпгина мамлакатларидан Фарғонага турли маҳсулотлар келар эди. Аммо кенг алоқалари бўлишига қарамай, Фарғонада жуда кўп ва=т пул муносабати бўлмаган, у ерда ҳайкалтарошлик ва сурат солиш санъати ривожланмаган эди, яъни у минг йиллар давомида деҳқон ва қорамолчилик маданиятини бирлаштирган ызининг қадимий маданиятини сақлаган.

Қўқон хонлигининг энг охириги маскани бўлган Фарғона водийси 1875 йили Фарғона вилояти сифатида чор Россиясига зўрлик билан бириктирилган эди.

Мустамлака даврида Фарғона Водийси пахтачилик, боғдорчилик, узумчилик ва ипакчилик ривожлантириладиган асосий марказга айланиб қолганди.

1924 йили Фарғона водийсининг шудуди миллатига қараб Ўзбек, Тожик ва Қирғиз республикаларига бўлинган эди. Фарғона водийсининг кўп қисми Ўзбекистон ССРга кирганди. Фарғона водийсида Ўзбекистоннинг уч вилояти бор - Фарғона, Андижон, Наманган.

Иттифоқ ҳукмронлиги йиллари Фарғона водийси бутун ССР Иттифоқи учун “оқ олтин” деб аталган пахта етиштирувчи асосий манбага айланди. Шундай қилиб Фарғона водийсининг “Олтин манба” деган номи тасдиқланди.

“Олтин водий” бйлаб ихтиёрий транспортда: автомобил, темир йил, велосипед, пйёда ва х. к. саёхат =илиш =улайдир. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкентдан боровчи магистраллар “Олтин Фарғона хал=а”си деб юритилувчи Фарғона хал=асини ташкил =илади.

Водийнинг туристларни ызига тортадиган шашарлари ҳа=ида тўхталадиган бўлсак, Косонсой шашри ва унинг атрофи дарё чегараси ва Фарғона водийсининг тоғ олдиларида жойлашган. Ўзи туғилган жойларни яхши билган Заҳириддин Бобур Косонсой ты\рисида =уйидагиларни ёзган: “Бу ер ажойиб ҳаво ва чиройли боғлари былган жойдир”. ХҲ асрнинг муаллифларидан бири: “Косоннинг боғлари ва мевалари олий жаннат ва парилар боғларини эслатади, унинг ҳосиллари мғл ва чексиздир”- деган эди.

Наманган шашрининг диққатга сазовор жойлари 25 кмдан кейин -унча катта бўлмаган шўр кўл олдидаги Наманганкон қишлоғи ырнида 1610 йили шашар сифатида пайдо былган Наманган шашри (ХҲ асрдан) шашарча сифатида маълум былган. Наманган маъмурий вилоят маркази былиб қолди. Шаҳар бозори ёнида жойлашган Хожамна-Қабр мақбараси ўша ва=т гувоҳи былиши архитектура ёдгорлигидир.

Наманганнинг кўримсиз Оврўпа архитектураси фонида эски шашарни ХХ аср бошларида қурилган Раджаббой масжиди, Мулла-Қирғиз мадрасаси ва б. яхши таассурот қолдиради. Уларнинг шаммаси бир-бирига яқин шаклда Оврўпа форматидаги пишиқ ғиштдан жуда саранжом қилиб пишиқ қурилган. Гумбазларининг кенглиги, бино ва унинг қисмларини пропорциялари ва б. буларни қурган усталарнинг маҳоратидан дарак беради.

Фарғона водийси туризми республикамиз туризми индустриясининг 40%ни ташкил қилган шолда тезликда ривожланаётган регион ҳисобланади. Водий туризмида асосан учта вилоят туристик фирмалари фаолият олиб боради. Бу вилоятларнинг туристларга кырсатган хизмат ҳажмини =уйидаги жадвалдан

кыриб ташдил =иламиз.

8.2.1-жадвал

2003 йилда Фарғона водийсига ташриф буюрган туристлар ва хорижга чи=иш (киши ҳисобида)

Вилоятлар	Хорижлик туристлар	Хорижга чи=иш	Жами
Фарғона	10254	200	10454
Наманган	8911	10141	19052
Андижон	7223	4908	12131

Манба: «Ўзбектуризм» МК

Қадимги Андижон Х асрда савдо-хунармандлик маркази сифатида танилган эди. У милoddан аввалги 1 асрда шам “Буюк Ипак йили”да былганлиги ҳа=ида маълумотлар бор. ХҮІ асрда Бобур аждодларининг даврида Андижон Фарғона шарқий қисмининг пойтахти былган, Бобур пайтида эса бутун Фарғона водийсининг пойтахти эди.

Замонавий Андижон - йирик машиносозлик маркази, хорижий фирмалар билан алоқа =илади. Шаҳарда ы=ув юртлири кўп; Тиллар институти, Педагогика институти, Табобат институти, бир неча техникумлар, Ю. Ахунбобаев номидаги мусиқий драма театри бор.

1877 йили Қўқон хонлиги шудудида ташкил =илинган генерал-губернаторлик маъмурий маркази сифатида Янги Марғилон номли Фарғона шашри пайдо былди. 1907 йили Скобелев, 1919 йилидан бошлаб Фарғона деб атала бошлади.

Қўқон-“Олтин Фарғона хал=аси”нинг асосий туристик шашридир.

Қўқон шашри-“Олтин Фарғона хал=аси” йылидаги Фарғона вилоятининг охирги йирик шашри. У Фарғона водийсининг ғарбий қисмида Сох дарёсини пастки о=имида, денгиз сатҳидан 450 м баландликда жойлашган. Унинг аҳолиси 180 минг кишини ташкил =илади.

Милoddан аввалги II-I асрлар билан белгиланган қадимий Хитой ёзувларида

Фарғона водийсида жойлашган Даван мамлакати кўп маротаба эсга олинган. Ўша пайтда Даваннинг пойтахти Эрши шаҳари бўлган ва баъзи қадимий дунёни текширувчилари уни ҳозирги Қўқон шудудида жойлашган деб фараз қилганлар. Аммо бу фаразни археологик маълумотлар тасдиқламади. Балки, бу ерда қадимда яшаш жойи бўлгандир, лекин Қўқон шаҳар сифатида Х аср араб географларининг ёзма манбаларида эсга олинган. Араб саёҳатчи-географи Истахри Ходжентдан Ошга олиб боровчи асосий савдо магистралини тасвирлаганда, бу йилдаги “Сохдан битта катта юриш ва Сирдарёдан 5 фарсахда жойлашган” Қўқон шаҳрини эслайди. Бошқа араб саёҳатчи-географи ибн-Хаукаль уни тасвирлаб, чиройли шаҳар “Хоканд” ёки “Ховоканд” (яъни ёқимли) деб атайди. Якут Хамави ва Мушаммад Таъилар ҳам ўз географик маълумотларида (ХIIаср) “Ховоканд”ни эслашган. Бу кыриб ытилган тарихий шаҳарларнинг ҳар бири туристик марказлар бўлиб Фарғона водийсига ташриф буюрган туристларнинг диққатини ызига тортади ва водий туризмида ўзгача ашамият касб этади.

18 август 1996 йили Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов шаҳар байроғига биринчи номерли Амир Темури орденини тақиб қўйишдан олдин ажойиб сўзларни айтди: “Самарқанд-бу шавкатли ўтмиши, бахтли бугуни ва мангу келажаги бўлган шаҳар”.

Самарқанд шаҳри Зарафшон водийсининг аҳолиси кўп қисмида жойлашган. Шимол, шарқ ва жанубдан яшил оазисни совуқ шамол ва Қизилқум иссиғидан ҳимояловчи Памир-Олой тоғлари билан ўралган.

Қадимий Самарқанд тўғрисида Ғарб ва Шарқда билишган. Милоддан аввалги IV асрда у Мараканда номи билан Шарқдаги маданий ва савдо марказларидан бири сифатида маълум эди. Мараканда орқали савдо қарвонлари Суриядан Ҳиндистон ва Сибирга ўтарди. Бехисоб бойликлари нафақат савдогарларни, балки жангчиларни ҳам ызига тортарди. Маълум бўлган ҳамма инсоният

цивилизациясининг негизлари-Вавилон, Мемфис, Афинлар, Рум, Александрия-га ыхшаш Маракандга шам ўз бошидан жўшқин ҳодисаларни ўтказиши керак эди. Милоддан аввалги 328 йили шаҳар аҳолисини Александр Македонский қўшинларига қарши қўзғолонидан сўнг-шаҳар бутунлай вайрон =илиниб, Афросиоб шаҳарчасининг жануби-ғарб томонида қайта қурилган эди.

Қайта қурилган Самарқанд шаҳри милоддан аввалги IV аср охири-III аср бошларида Селевкидлар давлати ва парфянлар орасидаги, кейинчалик милоддан аввалги III-II асрларда-Селевкидлар давлатининг қолдиқларидан пайдо бўлган Парфия ва Юнон-Бактрия шохлиги ўртасидаги жанг майдонига айланади. Карвон йўлларига эгалик =илиш учун кураш Буюк ипак йўлидаги шаҳар-давлатлар савдоси ва и=тисодиётига- гина зарар етказиб қолмай, маданий марказларини ер юзидан йы=отиб юборар эди.

Савдо ва маданият равнақи милоддан аввалги I минг йилликнинг охирида ва милодий I минг йиллик бошида, қадимий савдо йўл устидаги назорат кушан шохлари қўлига ўтганидан кейин бошланди.

Б.И.Маршак ёзишича, қадимий Афросиобнинг археологик қазилмалари “Буюк ипак йўлидаги” катта шаҳар тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлади. Олимлар сюжети бййича бир хил тушинтира олишмаган, аммо милоддан аввалги VI-VIII аср бошларидан кеч бўлмаган ва=тга тегишли деб ҳисоблашган шох саройидаги “элчилар золи”нинг уникал нақшларини қолдиқлари сақланган.

Шарқ мамлакатларининг и=тисодий алоқаларида катта аҳамиятга эга бўлган савдо карвон йўлларида жойлашиб, у юз йиллар олдин қадимий цивилизациясининг маркази ва Ўрта Осиё хал=ларининг тарихи-маданий анъаналарини ташувчиси бўлиб қолди.

Ўтган замон шоир ва тарихчилари уни “Қадимий Шарқ Эдеми”, “Шар=ий мусулмон жаҳонининг қиммат баҳо марвариди”, “Ой ости мамлакатларининг чиройи”, “Шарқ Руми” деб бежиз айтишмаган.

Самарқанд-“Жаҳоннинг саккизинчи мўъжизаси”, Рассомлар ва шоирлар шаъри”, “Шарқ Руми”. Самарқанд-Ўзбекистон ҳалқининг буюк тарихи- маданий анъаналарини ташувчиси. Шаҳар тарихи мураккаб ва қарама-қарши. Самарқанд билан Александр Македонский, араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим, Чингизхон ва Тимур, астроном олим Улуғбек номлари боғлиқ. Олти аср аввал Амир Темур Самарқандни жаҳоннинг энг гўзал шаъри, унинг пойтахти қилишни орзу қилганди. Ҳар қайси узоқ юришлардан у бу ерга фақат моддий бойлигига эмас, балки янада қимматли-интеллектуал: энг яхши меъморлар, муҳандислар, сопол усталарини олиб келган. Маҳаллий усталар билан синтезланиб, улар ажойиб архитектура мактабини яратишди: қувватли, аввалгиларини қайтармайдиган.

Ўз давлатида Темур яратувчи эди. У рассом, шоир, олим ва мутафаккирларни раҳбатлантирарди. Бу генлар кейин унинг набираси- беш аср аввал яратган юлдузлар харитаси билан бутун дунёни ҳозиргача ҳайрон қолдирган, Мирзо Улуғбекка ўтади.

Улуғ аجدодимизнинг яратувчилик руҳи бизнинг вақтимизда қайта тикланаяпти. Самарқанд тарихининг қадимий варақлари ер остида, ажойиб археологик ва архитектура иншоотлар вайроналарида кўмилган. Археологик қазилишлар натижасида ҳозирги пайтда ташландиқ турар жойлар ва шаҳарчаларнинг вайроналари тилга кирди, қадимги Сўғдий тили янгради, турли ранг манзаралари ва ўтган авлодлар усталарининг шуҳрати тикланди.

Самарқанднинг ажойиб архитектура ёдгорликлари фақат меъморларни шаҳар қуриши, архитектура-манзара санъати, сопол-усталарининг юқори сифатли ишларигина билан эмас, балки архитектура шакллари ва пропорцияларининг гармонияси, ўқсимон арк ва сферик куббаларнинг чиройи билан ҳам ҳайратга солади. Жаҳон архитектурасида пордозида папье-машедан қилинган рельеф безаклар ишлатилган фақат иккита ёдгорлик маълум, уларнинг иккови ҳам Самарқандда. Булар Бибихоним масжиди ва Темурийларнинг қилхонаси-Гўри-

Амир.

Шаҳарда былганларнинг шаммасини ажойиб архитектура ижоди былган Шоҳи-Зинда ансамбли, Бибихоним масжиди, Гўри-Амир мақбараси ва Ишратхона, Улуғбек мадрасаси, Регистон майдонидаги Шердор ва Тилла-Қорини яратган қадимий меъморларнинг юқори маҳорати ва рассомлик истеъдоди ҳайратга солади.

Бу ёдгорликларнинг ягона бадиий қиёфасини асосий компоненталаридан бири нақшдир. Қуёшда турли рангдаги глазури билан товланаётган мозаика текисланган пишиқ ғиштнинг тинч ранги билан биргаликда ёдгорликларга яна кўпроқ чирой беради.

Халқнинг маданий мероси-унинг тарихий ёдгорликлари. Улар фақат ўтмишгагина тегишли бўлмасдан, ҳозир ҳам яшайди.

Самарқанднинг қадимий ери турли вақтларнинг уникал ёдгорликлари билан бой. Ҳозирги пайтда уларнинг сони 3 мингга яқин. Улардан 293 таси архитектура ёдгорликлари, 61 таси Республика ашамиятига эга, 2 мингдан ортиқ археология ёдгорликлари. Уларнинг шаммаси ўтган авлодларнинг моддий ва руҳий ҳаёти, бизнинг ылкамизни кўп асрли тарихи, халқ оммасининг эркинлик ва мустақиллик учун кураши, инқилобий ҳаракат, Самарқандни пайдо бўлиши ва ривожланишини акс эттиради.

Замонавий Самарқанд - Ўзбекистоннинг вилоят маркази, йирик темир йўл станцияси. Самарқанд орқали катта Тошкент-Термез автомобиль трaкти ўтади. 1980 йилда шаҳар аҳолиси 523 мингга тaшкил тоиларди. Шаҳар майдони 15 минг га. У Зарафшон дарёсининг водийсида, унинг ўрта оёғида, шимоли-ғарбда 660 м дан жануби-шарқда 750 м гача мутлоқ баландликларда жойлашган. Шаҳар чегараси шарқда Тайлак турар жойи, шимолда-Дағбит, ғарбда-Чархин ва жанубда-Улуғбек туманидан ўтади.

8.2.2-жадвал

Самарқандга ташриф буюрган туристлар ва хорижга чи=иш (киши хисобида)

Йиллар	Хорижлик туристлар	Хорижга чи=иш	Жами
2002	70691	44409	115100
2003	71450	21180	92630

Манба: «Ўзбектуризм» МК

Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси ХҲ асрнинг биринчи ярмини ҳайкалтарошлик меъморчилигининг мумтоз намунаси сифатида миллий архитектура меросининг хазинасига киради. Шаклларининг тугатилганлиги ва монументаллиги, бадий пардози бййича у ХҲ аср қурилмаларидан кам эмас, мустаҳкамлиги бййича эса улардан устун туради.

Манбаларнинг хабар беришича, Мирзо Улуғбек ўзи бу мадрасада астрономиядан маъруза қилган. Бу ерда шунингдек, Қозизода Руми-“Ўз даврининг Платони”, Мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ибн-Масуд бин Маҳмуд Кашани (Кашани), Мавлоно Алаудин Али бен Мушаммед Қушчи ва б. маъруза =илишган. Мударрис (ректор) қилиб Мавлоно Мушаммед Хав-фи тайинланган эди. Васафи ёзган ва бизга В.В. Бартольд етказган афсона бор: “Мадрасанинг қурилиши ниҳоясига етаётганда, бинонинг қурилишида бўлганлар Улуғбекдан мударрис қилиб ким тайинланади деб сўрашибди. Улуғбек уларга шамма илмларни биладиган одам келади деб жавоб берибди. Улуғбекнинг сўзларини шу ерда “ғиштар ичида” ифлос кийимда ўтирган Мавлоно Мушаммад Хавфи эшитибди ва ўша заҳотиёқ бу лавозимга ызини шу=у=и ты\рисида эълон қилибди. Улуғбек уни сўроққа тутибди, унинг билимдорлигини билиб, шаммомга оборишни ва янги кийимлар кийгизишни буюрибди. Мадрасанинг очилиш кунда Хав-фи мударрис сифатида 90 олимларнинг олдида маъруза қилибди, аммо Улуғбек ва Қозизода Румидан ташқари ҳеч ким маърузани тушунмайди, у илмий планда шунчалик мураккаб эди”

Улуғбек даврида Регистонда қурилиши қари амалдор Алика Кукалдош номи

билан боʻли= былган масжид бор эди. Эски масжид мўғуллар босқинида ташландиқ былиб қолган. Унинг деворларида, манбаларнинг ёзишларича, 1361 йили мўғулларга қарши кўзғолоннинг иштирокчилари бекинганлар. Улуғбек даврида у қайта қурилган, катта ҳовли, қуббали бино, 280гача устунлари былган. Кейинчалик зилзила ва ҳарбий ҳодисалардан қаттиқ шикастланган (XX асрнинг 60-чи йилларигача унинг баланд чахланган мармар асослари ҳали майдонда ётар эди).

Мадраса билан деярли бир ва=тда Улуғбекнинг буйруғи бўйича Кўҳак теппалигининг тагида, Оби-Рахмат ариғининг қирғоғида, Нақши-Жашон жойида, Афросиоб шаҳарчасининг шимолида расадхона қурилди. Бобурнинг сўзлари бўйича, расадхона уч қаватли бино былган. У ерда Улуғбек билан бирга ишлаган ва кейин Станбулга кучиб ўтган Али Қушчи расадхонанинг асосий қисмини, сектант фаҳрини баландлигини авлиё София ибодатхонанинг баландлиги билан таққослаганди. Сектантнинг юқори қисми ер остида жойлашган ва асбобини ярми эди. Али Қушчининг фикрича, бу Шарқда маълум былган сектантлардан энг йириги эди.

1918 йили самарқандлик олим-археолог В.Л.Вяткин расадхонанинг қазилмасини ўтказганди. У расадхонанинг асосий асбобини-Фаҳри сектантини ер ости қисмини очди, унинг юқори қисми сақланиб қолмаган. Қазилмалар фақат 1948 йили тамомланганидан кейин, бу жуда мустаҳкам қурилган, баланд, планда айлана шаклдаги радиуси 40 метрдан ошиқ бино. Бинонинг архитектура композициясига киритилган Фаҳри сектантидан ташқари унда бир неча катта заллар, йылақлар, ётиш жойлари ва хизматчилар учун қурилган кичик хоналар бор.

Шаҳарда туристларга ҳам=улай шароитлар яратилган. Жуда яхши аэропорт, вокзал, автостанциялар, бир неча меҳмонхона, шу жумладан 4-юлдузли-“Афросиоб”, музей ва театрлар, ресторан ва бадий салонлар мавжуд.

Шаҳарда фуқароларнинг соғлиғи, жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши ва б. алоҳида ашамият берилади. Самарқандда стадионлар сони ортди, жуда кўп арзон кафелар пайдо бўлди.

Яқинда очилган “Боли Эрам” мажмуаси самарқандликлар ва шашар меҳмонларига жуда ёқиб қолди. Қачонлардир ташландиқ бўлган шашар паркиннинг бурчагида 3,5 минг ўринли катта амфитеатр атрофида сунъий кўл ҳосил бўлинди. Мажмуа шашарликларни ҳақиқий дам олиш жойига айланди. Иссиқ ёз кечалари фонтанларнинг суви бу ерда алоҳида микро иқлим ҳосил бўилади. Сув ўртасидаги саҳнада ёш ижрочиларнинг чиқишлари туристларнинг дам олишини безайди.

Амфитеатрнинг ёнидаги манзарага “Оазис” пиво-бар-рестораннинг силуэти, шунингдек муз қаймоқнинг ҳар хил турлари сотиладиган “Парвина” кафеси органик кирилган. Ҳар йили кузда бу амфитеатр навбатдаги “Шарқ тароналари” Халро мусиқа фестивалининг саҳна майдонларидан бирига айланади.

Хоразм ерлари қадимий афсоналар ва ёдгорликларга бой. Унинг тарихини қадимлиги билан камдан-кам жаҳон цивилизацияси тенглаша олади. 1938 йилдан бошлаб, кўп йиллар давомида Қорақалпоғистоннинг қадимги шашарчаларида археолог академик С.П.Толстов иш олиб борган. У бизларга кўпгина археологик ёдгорликлар ва улар тўғрисидаги афсоналарни етказган.

Қадимий Хоразм Буюк ипак йўли очилишидан анча аввал сув ва ердаги трассалар орқали Оврўпа ва Шарқ, Шимол ва жанубий цивилизациялар билан боғланган эди. Хоразм Ўзбекистон шудудидаги уч цивилизациядан бирини бешиги. Бу ерда жаҳон цивилизацияси бирлашган жойи: Қора денгиз атрофи, Крито-микент (эллинлар), Мохенджорадо (Шимолий Ҳиндистон, Шимолий Афғонистон ва жануби-шарқий Эрон) ва Хитой. Буюк ипак йўли очилиши билан маданиятларнинг бир бирига кириши жадаллашди. Буни археологик топилмалар тасдиқлайди.

Ўзбекистон археологлари бу ерда милoddан аввалги VI асргача бир бирини алмаштирган ёки параллел мавжуд бўлган қадимий кельтеминар, тазабагъаб, суюрган ва амиробод маданиятларини аниqlашган.

Маданий алоқалар ва этник келиб чиқиши қадимий Хоразмни шимолда Сибир билан, шимоли- ғарбда Орол бўйлари ва Шарқий Оврўпа билан, шарқда Шарқий Туркистон билан, жануби- шарқда Ҳинд океани билан, жанубда Форс Кўрфази билан, жануби-ғарбда Қизил денгиз ва Арабистон ярим ороли билан бирлаштирар эди. Ҳуррит ва Турк этник элементлари қадимда Ўрта Осиё, Хетт подшолиги, Месопотамия, Элам, Ҳиндистон ва Азов олди халқларини ташкил қилади.

Милoddан аввалги IV- I асрлар қадимий Хоразм цивилизациясини раvнақ топиш даври. Бу пайтдаги ёдгорликлар бой ва кўп. Бу даврга Бозорқалъа (милoddан аввалги IV-III асрлар), Чермен-ябдаги Қый-ирилган-алъа ва б. каби ёдгорликлар тегишли.

Тузилиши бййича Жанбас-қалъа шашри қизиқарлидир. Иккита катта бинодан ҳар бирига ёпишган Жанбас қалъа шаштрининг деворларида-ғиштларида турли қариндошлик боғланишни белгиловчи турлича белгилари бор. Шаҳарда щаммаси бўлиб иккита катта уй бўлиб, ҳар бирида 200 тадан хона бор бўлган, яъни уй 500-700 кишига мўлжалланган. Жанбас-қалъада иккита уй ўртасидан биттагина кенг кўча ўтган. Тупроқ-алъада щам худди шундоқ бўлган. Шашар дарвозасидан ўрта чизик бўйлаб битта кўча ўтган, унинг икки тарафида тыртта ўзаро тор кўчалар билан ажратилган уй-массивлар симметрик жойлашган.

Шаҳарнинг икки қисмга бўлиниши, (қабиланинг икки фратрийларга бўлиниши каби) зодлар гуруҳларини кырсатса керак.

Хоразмнинг қадим антик шашарларини муқим элементи “олов-уйини” мавжудлигидир. Жанбас-қалъа ва Тупроқ-қалъада “олов-уйи” кўчанинг дарвозага қарама-қарши томонида жойлашган. Беруний ва бошқа ўрта аср муаллифлари

ўчмас илоҳий олов (атеш-кеде, буют-ниран) ва жамоа йиғилишлар жойи ты\рисида хабар беришган. Бу “олов-хона” ларнинг қолдиқлари ҳозир щам тоғлик тожикларда сақланиб қолган, улар масжидларда жойлашади.

Тупроқ-қалъа планда (500x350 м) кўп квадрат минорали антик ғиштлардан қурилган ба=увват деворлари бўлган ты\ри тўртбурчакдир. Шимоли-ғарбий бурчагида-ҳокимнинг уч минорали 25 метрли қасри, ундан кейин (180x180м) ҳовли, ундан тепаси беркитилган йылаклар дарвоза ва шаҳар кўчасининг марказига олиб боради. Жануби-шарқда - олов уйи. Ҳовлини ҳисобга олмаганда, қасрнинг умумий майдони 200x200 м. Қасрдан шарқ томонда 200x130 м ли майдон- балки бозор- бор. Қасрнинг жанубида яшаш учун уйлар қурилган (310x280м).

Амударёнинг ўрта о=имини ўнг қирғоғида Хоразм шоҳининг қизи ва уни севган йигит ты\рисидаги афсона билан бо\ли= бўлган иккита тош қалъа-Қиз-қалъа ва Йигит-қалъа жойлашган.

Халқда Қирқ-қиз номи билан маълум бўлган I-Ҳ асрлар вайроналари билан бо\ли= бўлган жуда кўп афсоналар мавжуд.

Дишан-қалъа ўртасида жойлашган Ичан-қалъа ноты\ри ты\ри бурчак шаклида бўлиб шимолдан жанубга чўзилган. У тўртта дарвозали ба=увват деворлар билан ўралган. Дарвозалардан марказга ингичка кўчалар олиб боради. Асосий дарвозалар қурилишлар зич жойлашган ғарбий-Ота-дарвоза ва шарқий-Полвон-дарвозалардир (XIX аср). Қурилмаларнинг ба=увват, теппалари учли берк деворлари, қалъа миноралари, гумбазлари ва х.к. лари бор. Булар фақат Марказий Осиё шаҳарларининг архитектурасида XIX асрлардаги услубни намоёниш =илади.

Шернази-хон мадрасасининг ызига хос нақши бор (1718-1720 й.). Қутлуғ-Мурад-инаки мадрасаси, Паҳлавон-Маҳмуд мақбаралари мажмуаси, Алла-Қули-хон тими (XIX аср), Таш-ҳовли саройи (1830-1838 й.) ажойиб шакли ва бетакрор нақшлари билан ром =илади.

Ичан-қалъа марказида Пахлавон-Маҳмуд мақбараси ва Жума-масжид атрофида тузилган архитектура мажмуаси жойлашган. Мажмуага яна мадраса (1908й), минора (1910й) ва Ислон-Хўжа номи янги услубли мактаб (1912й) киради. Ислон-Хўжа - номи билан ички сиёсий ислохотларни ўтказиш, янги услубли мактаблар, касалхоналар, почта, дорихоналарни қурилиши бошланган хон қариндоши. Қурилишга катта ашамият бериб, Ислон-Хўжа маҳаллий аъёнларни қадирларди. Аммо ишга овруппали архитектор ва усталарни таклиф этарди. Улар маҳаллий усталар билан бирга ишлардилар.

Пахлавон-Маҳмуд мажмуасига кирган минора Марказий Осиёдаги энг йирикларидан биридир. Унинг баландлиги 44,6м, асосининг диаметри 9,5 м. У Хиванинг барча биноларидан юқори бўлиб шамма томондан кўринади. Лекин у айниқса яқиндан кўримлидир; атрофидаги бинолар унинг улуғворлигини кўрсатиб туради. Шакли бўйича у Хиванинг бошқа минораларидан фарқланмайди. Кўк горизонтал белбоғларининг қайтарилмайдиган нақшлари ажралиб туради. Улар орасидаги масафанинг режали исариши баландлик перспективасини кучайтиради; минора учидан фонар, ундан кейин уч зинали карниз ва кўк рангли тепасида қуббали гумбаз жойлашган.

Хиванинг бой фуқароларини маблағларига XIX аср охири-XX аср бошларида кўп монументал бинолар қурилган. Дишан-қалъа шудудида қурилган Полвон-пир (1905 й.) мадрасасидан ташқари Якуб-бой-Хўжа, Дўст-Алам (1882 й.), Мозори-Шариф (1882й.), Отажон-Тўра (1884й), Қози-Калон Салим-Охун (1905й), Матпанабой (1905й.), Абдурасул-бой (1906й.), Юсуп Ясаул-боши (1906й.) мадрасалари қурилган эди. Улар ХУШ асрнинг охиридаги қирилмалардан кичикроқлиги билан фарқланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон туризмида Хоразм регионнинг ызига хос ырни бўлиб туристларга хизмат кўрсатишда салмоқли натижаларга эришаётганини ўйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

**Хоразм воҳасига ташриф буюрган туристлар ва хорижга чи=иш
(киши ҳисобида)**

Йиллар	Хорижлик туристлар	Хорижга чи=иш	Жами
2002	36460	21040	57500
2003	36559	23641	60200

Манба: «Ўзбектуризм» МК

Бизгача сақланган ёдгорликлар ичида кўзга кўринадигани Хазараспдаги Рахмонқул-Инака саройи, Ильтузар-хоннинг кыриниш-хонаси (XIX аср боши) ва 1832 йили Аллақулихон қурган Тош-ҳовлидир.

Хива саройлари Марказий Осиё архитектураси тарихида янги саҳифа очади. Бу саройларда, айниқса Тош-ҳовлида, ҳайкалтарош меъморчилик усуллари каркасли уйлар меъморчилик билан бирлашиб кетади.

Тош-ҳовли деворларининг бўёқлари худди гилам осилганидек =илинган. Хивага хос былган бўёқ ва нақшларни Ўзбекистон шудудида ХУШ-XIX асрга тегишли ҳайкалтарошлик қурилишларнинг архитектура беагида учратиб бўлмайди. Катта Аллақулихон мадрасалари шам Хивага хос усулда безалган. Унинг ёнида тамомланмай қолган Калта-минорнинг қурилиши бошланган. Марказий Осиёдаги энг баланд минора былиши керак былган бу минорани қурилишини бошлаш, ўша пайтдаги улкан қурилишларга мисол бўла олади.

XX аср бошидан Хива хонлари архитектурасига янги йыналишлар таъсир кырсатган ёзги тураргоҳлар қуришни бошладилар. 1906 йилдан Дишан-қалъада ворис Мушаммад-Раҳим-хон учун Нурилла-бой саройини қурилиши бошланди. Унинг қурилишини 1912 йили янги хон Асфендиёр қайта бошлади. Шарқ ҳокимларининг саройлари каби, бу сарой шам девор билан ўралган ва четларига уйлар қурилган бир неча ҳовлидан ташкил топган, у ерда ёрдамчи хоналар жойлашган. Маъмурий бинолар ва баланд устунли айвон-арзхона билан судлов

хонаси алоҳида жойлашган. Яшаш хоналари ва харам учта ҳовли ва унга шимол тарафдан ёндошган боғни эгаллашарди. Бу хоналар гуруҳи яна бир ўз дарвозасига эга девор билан ўралган. Қабуллар учун мўлжалланган зал-қыринишхона алоҳида турарди.

Хоразм воҳасининг тарихий ёдгорликлари нафақат Ўзбекистонда балки бутун дунёда машҳур бўлганлиги учун, дунёнинг турли бурчакларидан ҳар йили минглаб туристлар ташриф буюришади. Бу обидалар итуристлардани шу кунгача хайратга солиб келмоқдадир.

8.3. Ўзбекистонда халқаро туристларга экскурсиялар уюштиришда миллий меросларнинг аҳамияти.

Ўзбек халқи бой тарихий ўтмишга эга. Узоқ ривожланиш даврида у, Ўрта Осиёнинг бошқа халқларига ыхшаш, инсониятга илм ва санъатнинг буюк намоёндаларини берди. Асрлар давомида бой ызига хос маданият яратилди. Ўрта Осиёнинг кўпгина босқинчилиги натижасида ўтмиш ёдгорликларида турли қадимий маданиятлар-юнон, ҳинд, эрон, араб-таъсири кўринади. Аммо бу таъсирлар ўзбек маданиятини бойитиб, унинг ызига хослигини йиғиштирмади. Ўзбек халқининг санъати ызининг бадиий анъаналарини, усталик қонунларини, ифодалаш воситаларини ишлаб чиқди. Халқ ижодининг турли жанрлари яратилди.

Бу бир-бирига таъсир қилиш ва бир бирини бойитиш жараёни асрлар давомида Ўзбекистонга ызининг бадиий маданиятини кейинги ривожланишига имконият яратади.

Моддий маданият ёдгорликлари (қоядаги нақшлар, монументал ҳайкаллар, барельефлар, ҳайкалчалар ва б.), шунингдек бизгача етиб келган ёзма манбалар (м.а. 2 аср), ўзбек халқининг мусиқа меросининг ашула, рақс ва кийимлар қадимий манбаларига гувоҳлик беради. Уларнинг Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги муҳим роли ҳақида м.а. 5 асрда Геродот ёзган.

Муסיқий санъатнинг юқори намуналари оғзаки хал= шерий ижодидир-ўзбек хал=и маданиятининг бўлинмас қисми. Фольклорнинг \оявий бойлиги ва жанрининг турли туманлиги рухий ва бадий қимматидир. Унда хал= тарихи, ҳаёти акс эттирилиб, энг яхши инсоний сифатлар, дўстликка, севгига содиқлик тасдиқланади; ишёқмаслик кўрқоқлик, сотқинлик танқид =илинади. Фольклор асарлар катта кучга эга ва адабиёт ва муסיқа ривожланишининг тугалланмас манбаидир; оғиздан оғизга, авлоддан авлодга ўтиб фольклор яна ишланган ва қайтадан ишланган. Ўзбек фольклори мавзу ва жанрларининг кўп қаватлиги ва турли туманлиги билан ажралиб туради. У удумли ва удумли бўлмаган шериятга бўлинади.

Удумли шерият ва муסיқа-ўзбек фольклорининг хал= мешнати, турли удумлари ва дини билан тор боғланган энг қадимий тури. Бунга календар-удумли, мешнат, оила-удум ашулалари ва шерий ва муסיқий жанрлар киради.

Календар-удум шерияти ва муסיқаси инсонларнинг қадимий илоҳий кучлар ты\рисадаги тасаввури, йил фаслларига мос маълум удумларни бажариш билан бо\ли=. Қурғоқчиликда деҳқонлар «Сус хотин» (ёмғир ёғишини сўраш) ашуласини, кучли шамол былганида «Мой-мома» (шомолга мурожаат) ашуласини айтиш билан борадиган удумни бажаришади. Бу циклнинг ашулаларини жодули вазифаси-ҳосилга, хыжаликка ёрдам бериш былган. Йил фасллари алмашиш байрамида «Бойчечак», «наврўз», «рамазон» ашулалари айтиларди. Диний оҳангдан ташқари, бу ашулаларда бахт, янги йилда омад, яхши туш ва х.к. тилайдилар.

Календар-удум шеъриятида мешнатга бағишланган ашулалар энг кўп жой эгаллайди. Улар маълум йил фаслига бо\ли= циклларга бўлинади. Деҳқонлар экиш, ўрим, янчишни махсус удумлар билан ўтказардилар. Янчиш пайтида айтиладиган ашуланинг ҳар =атори «хўпмайда, майда-гул» рефрен билан тугарди. Бу ашулаларнинг оҳанги мешнат жараёнини ритмини акс эттиради. Чорвадорлар

ашуласида-хуш, хуш; турей, турей сўзлари кўп учрайди. Тўқиш станогини, қўл тегирмонида ишлаганда монотон ашулалар ижро этиларди.

Оила-удум шеърини ва мусикасида инсон туғилиши, ўлими ва х.к. акс эттирилади. Тўй ашулаларини келинни кийинтириш маросими, куёв келиши ва х.к. айтилади. Йиғлаш, айтиб йиғлаш-яқин одамнинг ўлими туфайли қайғу, мусибатни акс эттириш учун қўлланадиган фольклор усуллари. Уларда марҳумнинг энг яхши фазилатлари, айрилиқ азоби ва алами куйланади.

Заговор-фолклорнинг энг қадимий намуналари. Заговорлар-«бадик»нинг сони кўп эди. Инсонлар сўзнинг жодусига ишонардилар, унинг ёрдамида касални даволаш, кулфатдан қутилишга ишонардилар. Ҳозирги пайтда оғзаки шеърят ижодининг бу жанри деярли йиғилиб кетган.

